Библиотека 158 филиала ТашГУ

ДАЛАМИЗ ЎТДАН ТОЗА БЎЛСИН!

ЁШЛИК МЕҲНАТ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ёшлик! Бу сўзни эшитганда ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ажойиб йигит ва қизлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Уларнинг бир хиллари ўрта мактаб ва техникумларда билим олишади, олий ўқув юртларида фан асосларини эгаллайди. Бошқалари бўлса колхоз ва совхоз далаларида, шахта ва конларда фидокорона меҳнат қилади. Яна бир хиллари эса қурилишларда ишлаб, янги шаҳарлар бунёд этади.

Коммунистик партиямизнинг чақириғига дарҳол лаббай деб жавоб бериб, асов дарёларни жиловлаётган, қақраб ётган чўлларга сув чиқариб, боғ-бўстонлар яратаётганлар ҳам шулар. Етти йилликнинг улкан зафарларида, совет космик кемаларининг парвозида уларнинг ҳам ҳиссаси бор. Инсониятнинг ёрқин келажаги — коммунизм муҳташам биносини қуришда ёшларимиз актив иштирок этишяпти.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз, умидимиз, кўз тикканимиз. Улар қўлимиздан ишимизни олади ва давом эттиради, оғиримизни енгил қилади.

Ёшлар — бизнинг қувончимиз, бахтимиз, обрўйимиз. Дилимизни равшан, кўнглимизни шод қиладиган, мартабамизни улуғлайдиган, ишончимизни оқлайдиганлар ҳам шулар. Биз шуларни деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз. Даставвал, шу ҳаёт чароғбонларининг порлоқ истиқболини таъминлашни кўнгилга тугиб қўямиз. Уларни авайлаб, соғлом ва бақувват қилиб ўстиришга интиламиз, атрофида парвона бўламиз.

Ана шу катта ишончни, ўзига нисбатан чексиз ғамхўрликни, қолаверса, ўз тарихий вазифасини юракдан ҳис қилган, қалби олов, шижоаткор ва меҳнаткаш ёшлар мамлакатимизда минглаб, миллионлаб бор. Улар кекса авлод билан бир сафда туриб, севимли Ватанимиз бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўт бўлиб чақнаб, ажойиб ташаббуслар билан чиқаётган ёшларимиз оз эмас. Уларнинг деярлик ҳаммаси коммунизм ҳозирги авлод учун қурилаётганлигини, коммунистик жамиятда яшаш ҳам шуларга насиб бўлишини яхши ҳис қиладилар. Шу боисдан уларнинг меҳнат кўтаринкилиги авжида, ғайратлари зўр, ҳимматлари баланд.

Ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялашнинг асосий мезони меҳнатдир. Чунки меҳнат жараёнида моддий бойликлар яратилишидан ташқари, кишининг олижаноб фазилатлари ҳам шаклланади, янги жамият кишисининг асосий белгилари юзага чиқиб боради. Ўртоқ Н. С. Хрушчев кўрсатиб ўтганидек, меҳнатда кишиларнинг қобилияти ва таланти инсониннг генийси намоён бўлади.

Ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан эл оғзига тушган, обрў қозонган ёшлар областимизда ҳам кўплаб топилади. Мана бир неча мисол. Тошкент трактор йиғув заводининг ёш ишчиси Турсуной Боқизодаевани бундан 1—2 йил аввал кўплар танимас эди. Заводга кириб ишлагач, Турсуной қисқа фурсат ичида коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли номга сазовор бўлди. Жамоат ишларида актив қатнашаётган бу ғайратли қиз ҳозир шаҳар Советининг депутати. Ёки «Узбексельмаш» заводининг токари Тўлаган Зокиров, Мирзачўлни ўзлаштириш учун бел боғлаган механизатор Соиб Турсунов, Инобат Охунова, олмалиқлик кончи Александр Трофимов ва бошқа ёшларни олиб кўрайлик. Бу азаматларнинг ҳаммаси ҳам ғайратли, шижоаткор, ватанпарвар кишилардир. Ёшлик — меҳнат билан гўзал деганларидек, бизнинг ёшларимиз меҳнат жараёнида тобланиб камолга етмоқдалар.

Комсомоллар ҳамма жойда ёшларимизнинг авангарди, зарбдор кучи бўлиб майдонга чиқмоқда. Областимиз комсомоллари кўпгина ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббускори бўлаётганликлари кўзга ташланиб турибди. Экскаватор заводи ёшларининг қимматли ташаббуси бутун мамлакатга ёйилди. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Экскаваторчилар машиналарнинг меҳнат сарфини камайтиришга қаратилган 620 та таклиф киритдилар. Бу таклифлар бир йилда давлатнинг 130 минг сўмини иқтисод қилиш имконини беради. Тошкент кабель заводининг Ўткир Мирсоатов бошлиқ бригадаси аъзолари «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган коммунистик шиорга амал қилган ҳолда, меҳнат унумдорлигини бир ярим — икки ҳисса ошириш мажбуриятини олдилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг сафи йил сайин кенгайиб бораётганлиги ҳам қувонарли бир ҳолдир. Чунки бундай бригадаларда мактаб ўқувчилари меҳнатга кўникма ҳосил қиладилар, ўз билимларини амалий иш билан мустаҳкамлайдилар. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқариш бригадаси шулар жумласидан. Мазкур бригадага мактаб ўқувчиси, ғайратли қиз Карима Деҳқонбоева бошчилик қиляпти. Улар ўзларига бириктилган 28 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз беришган. Ҳозир ўқувчилар бригадаси даласида иш қизғин.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида, шунингдек ВЛКСМ Марказий Комитетининг III пленумида совет ёшларининг тарбияси масаласига катта эътибор берилди. Коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида совет ёшларини тарбиялаш соҳасида комсомол ташкилотларининг муҳим роль ўйнаши кўрсатилди.

Лекин бизда ҳали шундай ёшлар ҳам борки, улар ўз ота-оналарининг юзини ерга қаратадилар, ўзларининг ножўя хатти-ҳаракатлари ва юриш-туришлари билан жамиятимизга иснод келтирадилар. Безорилик қиладиган, ичкиликка берилган, енгил-елпи турмуш кечиришни мўлжаллайдиган, онгида эскилик сарқитларини ташиб юрувчи, муттаҳам, ялқов, ғарбнинг салбий маданиятига ихлос қўйган ёшлар ҳам учраб туради. Ота-она ёки жамоатчилик назоратидан четда қолиб, ўзича ҳаёт кечирган ёшларда кўпинча шундай бўлади.

Ёшлар тарбияси — ҳар бир ота-она, барча партия, комсомол, касаба союз, жамоат ташкилотлари, қолаверса — бутун жамоатчиликнинг асосий вазифаларидан биридир. Ёшларимизнинг тақдири улар қўлида. Шу сабабли бу соҳадаги ишни изчил равишда амалга ошириш лозим. Оммавий-сиёсий, агитация ва пропаганда ишларини кучайтириш, тематик кечалар, турли учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб туриш, ўқишга кенг жалб қилиш, ёшларни интернационализм, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш ва бошқа хил жуда кўп тадбирлар ёшларимиз ўртасида олиб бориладиган ишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Шунга эришайликки, совет ёшлари онгли, билимдон, меҳнатсевар ва жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиб етишсинлар, коммунизм қурувчилар сафидан муносиб ўрин олсинлар. Уларнинг маънавий қиёфаси ҳамиша гўзал бўлсин!

— Қаранг, Хурсаной, ғўзаларимиз барқ уриб ривожланмоқда, — даладан қайтаётган Мансура Назирхўжаева (ўнгда) дугонаси Х. Деҳқоновага мурожаат қилади. Ҳақиқатан ҳам Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулистон» колхози далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Сиз суратда кўриб турган ана шу чевар қизлар терим мавсумида кам деганда 8—9 тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд қилишган.

В. Салов фотоси.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 158 (2449). | 13 август, сешанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЯХШИ ГАПНИНГ ҚАНОТИ БОР

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ ТРАКТОР

Такомиллашган «Т28Х3» маркали бу агрегат ҳозир Ўзбекистон трактор-йиғув заводида ишлаб чиқарилмоқда. Бу машина аввалги «Т28Х2» тракторининг конструкциясидан жуда кўп афзалликлари билан фарқ қилади. «Т28×2» тракторининг қуввати 35 от кучига эга эди. Бу агрегатнинг қуввати эса 40 от кучига тенг.

«Т 28×3» нинг редукторлари ҳам анча такомиллаштирилган. «Т28×2» тракторининг редуктори 6 та олди томон, 2 та орқа томон тезлигига эга эди. Тезликнинг пастлиги трактор иш унумини оширишга бирмунча тўсқинлик қилиб келарди. Эндиликда у бартараф этилди. Ҳар иккала томонга қўшимча тезлик берувчи редукторлар ўрнатилган. Модернизация қилинган бу тракторнинг орқа мости конструкцияси бутунлай қайта ишланиб, ғўза парваришига янада мослаштирилган.

«Т28×3» трактори мосламаларини ўзлаштиришда слесарлардан Т. Ёқубов, У. Гадойбоев, Г. Грибуцкий ўртоқларнинг хизматлари катта бўлди. Завод коллективи шу ой охиригача пахтакор колхоз ва совхозлар учун 1200 та шундай трактор етказиб беришга аҳд қилди. Бу билан коллективимиз пахта учун умумхалқ курашига ўз ҳиссасини қўшади.

С. ТЎЛАЕВ,
завод техника контроли бюросининг бошлиғи.

ФИДОКОРЛАР

Озода Йўлдошева ишга келганда ям-яшил пайкалда бирор кимса кўринмас, асат сувини ичиб барқ уриб ўсаётган ғўзалар ҳали тун уйқусидан уйғонмаган эди. У кеча тамом қилолмаган эгатини ўтаб бўлган эди ҳамки, пайкал четида Умри Эргашева кўринди.

— Ҳорманг, дугона, бугун жуда эрта келибсиз. Ёки мендан ўзиб кетаман деяпсизми? — ҳазиллашди у.

— Ҳаракат қилиб кўраман, — деди Озода чинга олиб.

Дугоналар тонгнинг сўлим ҳавосини шимириб меҳнат оғушига кирдилар.

Булар Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ Умарали Рустамов бошлиқ бригадасида ишлашади. Азаматлар бригаданинг 60 гектар ерининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» топшириш йўлида олиб бораётган курашига фидокорона меҳнатлари билан ҳисса қўшишяпти.

— Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришда, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ У. Рустамов, — механизаторларимиз Самсоқ Болабеков ва Ўткир Жамоловлар ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Улар ҳозиргача ғўзаларни уч марта кўндалангига ва тўрт марта узунасига культивациядан чиқардилар. Миришкор сувчилардан Тойир Бадалов, Мўмин Тожиев, Жалил Солиев сингари ўртоқлар ғўзаларни кечаси-ю кундузи най усулида қондириб суғормоқдалар. Яхши парвариш қилинаётган ғўза туплари тобора баравж бўлиб ўсиб, шонаси гулга, гули кўсакка айланмоқда.

Қ. СОБИРОВ.

МУКОФОТДАН РУҲЛАНИБ

А. Шамсиев, С. Охунов, М. Сиддиқов, З. Ғойипова, С. Норбобоева, Н. Ашрапов ўртоқлар бошлиқ бригадалар дала ишларини сифатли ўтказиб, ғўза тупларида мўл ҳосил тўплаганликлари учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан пул ва қўй билан мукофотландилар.

Мукофотдан руҳланган бригада аъзолари август ойининг қолган кунларида ҳам ғайрат қилиб ғўза парваришини давом эттирмоқдалар.

Н. НОРБЎТАЕВ,
Бекобод, Дзержинский номли колхоз.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

КЎСАК ҚУРТИНИ ҚУРИТИНГ

Колхоз ва совхозларнинг айрим участкаларида ҳосилнинг ашаддий душмани кўсак қурти янгидан пайдо бўла бошлади. У жуда хавфли. Шона, гул ва ҳосил тугунчалари ҳамда кўсакларга зиён етказади. Пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштириш йўлида қилган меҳнатларининг бир қисми зое кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда кўсак қуртига қарши курашиш биринчи навбатдаги вазифадир. Барча чора ва тадбирларни, воситаларни шунга сафарбар қилиш лозим. Ғўзани дорилаётган самолетларнинг иш унумдорлигини ошириб, барча трактор воситалари, қўл аппаратларини ишга тушириш талаб қилинади. Шунингдек трактор ўғитлагичларидан фойдаланиш ҳам тавсия қилинади.

Ҳар бир колхоз ва совхозда кўсак қуртига қарши курашиш группалари ташкил этиб, ҳосилни зараркунандалардан ҳимоя қилишни икки-уч сменада олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Кўсак қурти билан зарарланган далаларни аниқлашда ғўза парваришида банд бўлган колхозчилар билан бирга мактаб ўқувчилари ва пионерларнинг кучидан ҳам фойдаланиш керак.

Ҳашаротга қарши заҳарли химикатлар воситаси билан курашибгина қолмай, кўсак қурти уруғларини қўл билан териб ташлашни ҳам ташкил қилайлик. Кўсак қурти тушган майдонларни аниқлаб, уни қўл билан териб олишда ўрнак кўрсатганларни қўшимча пул билан мукофотлашни йўлга қўйиш лозим.

Колхоз-совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислар, далачилик бригадаларининг бошлиқлари, авиаторлар, кўсак қуртига қарши курашиш ишларини ўз вақтида ва тўғри ташкил қилиш сизларга боғлиқ.

СЎНГГИ АХБОРОТ

ИРОҚДАГИ ТЕРРОРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

ЛОНДОН, 12 август. ТАСС мухбири А. МЕЛИКЯН хабар беради:

Кеча Хайд-паркда Ироқдаги террор ва зўравонлик режимига қарши норозилик митинги бўлди. Буюк Британия Коммунистик партияси Лондон область комитети томонидан ўтказилган бу митинг «Ироқдаги террорга чек қўйилсин!», «Курд халқини кўплаб қириб ташлаш тўхтатилсин» деган шиорлар остида ўтди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар инглиз халқини террор ёрдами билангина ҳокимият тепасида тураётган Бағдод режимига қарши норозилик билдиришга чақирдилар. Англияда ўқиётган ироқлик студентларнинг вакили Х. Д. Ҳусайн митингда сўзга чиқиб, ҳозир Ироқнинг ҳамма ерида ватанпарварларнинг қони тўкилаётганини айтди. У Бағдоддаги фашист режими зиндонларида ётган маҳбуслар қандай мудҳиш қийноқларга дучор қилинаётганликлари ҳақида гапириб берди.

Бағдод режими, деб давом қилди Ҳусайн, курд халқининг ҳаққоний курашини қаттиқ чоралар билан бостиришга уринмоқда. Ишга солинган тўплар, танклар ва самолётлар курд қишлоқларини харобазорга айлантирмоқда, болаларни, аёлларни ва кексаларни ўлдирмоқда. Ироқ ҳокимлари курдларни қириб ташлаш учун уларга қарши уруш қилмоқдалар.

Буюк Британия Компартиясининг ижроия комитети номидан сўзга чиққан Идрис Кокс ҳозир Ироқда 100.000 маҳбус, ёки аҳолининг ҳар 60 кишидан биттаси турмаларда ва қамоқ лагерларида азоб чекаётганлигини айтди. Маҳбуслар сонининг мамлакатдаги бутун аҳоли сонига нисбатини назарга олганда, деб давом қилди Кокс, ҳозир Ироқда 30-йиллардаги нацистлар Германиясидагига нисбатан кўпроқ киши турмаларга ва қамоқ лагерларига ташлангандир. Ироқда ҳокимият, деди нотиқ, фашист жаллодлар қўлидадир.

Ироқда қирғинчиликка хотима берилсин ва ҳамма сиёсий маҳбуслар озод қилинсин, курд халқига қарши уруш тўхтатилсин, фактларни текшириш учун Англия комиссиясининг Ироққа киришига руҳсат берилсин — бизнинг талабларимиз шу, деди сўзининг охирида нотиқ.

Митинг қатнашчиларининг Лондондаги Ироқ элчиси номига қабул қилган петициясида ҳам шу талаблар қўйилган. Петицияда Ироқда минглаб ватанпарварлар ва демократларнинг қатл қилинишига, қамоққа олинишига ва турмаларга ташланишига қарши ҳамда курд халқига қарши урушга қатъий норозилик билдирилади.

СССР ХАЛҚЛАРИ III СПАРТАКИАДАСИ

СУЗУВЧИЛАРИМИЗНИНГ МЕДАЛЛАРИ

Ўзбекистон спортчилари Москвага жўнар экан, ишқибозларнинг сузувчиларимиздан умиди катта эди. Кутилгандек чиқди. Брасс услубида 200 метрга сузишда Светлана Бабанина спартакиада қатнашчилари орасида энг яхши натижа кўрсатди. Тошкентлик спортчи бу масофани икки минут 57,9 секундда сузиб ўтиб, олтин медаль олишга муваффақ бўлди. Унинг командадоши Н. Устинова эса эркин услубда сузишда 100 метрга иккинчи бўлиб келди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Баскетболчи қизларимиз ҳам маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Буни кескин кураш билан ўтган Ўзбекистон ва Грузия терма командалари мусобақасида яққол кўриш мумкин эди. Маълумки, грузинлар энг кучли ҳисобланган Москва командасини мағлубиятга учратган эдилар. Баскетболчиларимиз зўр уюшқоқлик кўрсатиб, 56:50 ҳисобида рақибларини енгдилар. Машҳур баскетболчи қиз Равиля Салимованинг ўзи бу матчда командамизга 38 очко келтирди.

Волейболчилар мусобақасида Ўзбекистоннинг эрлар командаси Эстония коллективини 3:1 ҳисобида, хотин-қизлар командаси эса Тожикистон вакилларини 3:2 ҳисобида ютди. Бироқ теннисчиларимиз кетма-кет мағлубиятга учрадилар. Жумладан, Белоруссия билан бўлган матч 9:6 ҳисобида, Озарбайжон билан бўлган матч 11:3 ҳисобида командамиз рақиблари фойдасига ҳал бўлди.

Шахмат мусобақалари ҳаммани қизиқтирмоқда. Жаҳоннинг собиқ чемпиони М. Таль кетма-кет иккита мағлубиятга учради. Уни молдавиялик мастер А. Лутиков ва жаҳон чемпиони Т. Петросян енгди, Украиналик гроссмейстер Е. Геллер эса СССР чемпиони В. Корчной ва П. Кересни мағлубиятга учратди. Ўзбекистон шахматчилари бўлса ҳали ҳам ўзларини ўнглаб олганларича йўқ. Тўртинчи турда улар Ленинград командасига 2,5:7,5 ҳисобида ютқаздилар.

11 августгача бўлган маълумотга кўра, умумкоманда ҳисобида Украина спортчилари биринчи ўринда бормоқда, Республикамиз вакиллари саккизинчи ўринда турибдилар.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ДАМ ОЛИШ УЧУН ЮГОСЛАВИЯГА БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари, Югославия Социалистик Федератив Республикаси президенти Иосип Броз Тито ўтган йилнинг декабрь ойида Совет Иттифоқида дам олиб турган пайтида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевни рафиқаси билан биргаликда Югославияда дам олишга таклиф этганлиги тўғрисида матбуотда хабар берилган эди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинган эди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев рафиқаси билан бирга дам олиш учун шу йил 20 августда Югославияга боради. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу сафарида унга КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Г. Егоричев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Ленинград саноат область комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. С. Толстиков ҳамроҳ бўладилар.

СССР Олий Совети Президиумида

Мамлакатда нашриётларга, полиграфия ва китоб савдосига раҳбарликни яхшилаш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг Матбуот бўйича иттифоқ-республика давлат комитетини тузди ва СССР Министрлар Советига СССР Министрлар Советининг Матбуот бўйича давлат комитети ихтиёрига ўтказилиши лозим бўлган ташкилотлар ва корхоналарнинг рўйхатини тасдиқлашни топширди.

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Павел Константинович **Романовни** СССР Министрлар Советининг Матбуот бўйича давлат комитети раиси — СССР министри қилиб тайинлади.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА

РЕМОНТ НЕГА КЕЧИКЯПТИ?

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги қайси бир хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашманг, улар пахтачиликда техникани кўпроқ жорий этишнинг фойдаси, айниқса кўп қўл меҳнати талаб қиладиган йиғим-терим ишларини машиналар гарданига юклашнинг афзалликлари ҳақида гапиришади. Дарҳақиқат шундай. Эндиликда техника деҳқоннинг ҳақиқий мададкори, унинг оғирини енгил қилувчи омил эканлигига шубҳа қолмади. Кўпгина хўжаликларда йиғим-терим пайтида «зангори кема»лар жавлон уриб, минглаб теримчининг ишини бажарди.

Мусобақадош қозоғистонлик пахтакорлар ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бошқармадаги Калинин номли колхознинг ўртоқ У. Муҳамедов бошлиқ бригадаси далаларида бўлганларида машина теримига қандай ҳозирлик кўрилаётганлиги билан қизиқдилар.

— Ўтган йили, — мусобақадошларга тушунтирди бригадир, — бироз хатога йўл қўйибмиз. Имконият яхши бўлса ҳам машина теримида ишимиз унчалик яхши бўлмади. Фақат битта машинада пахта тердик. Йил охирида бундоқ ҳисоблаб қарасак, пахтаси машинада терилган звеноларда йиллик план олдин бажарилибди. Қолган ҳосилни йиғиштириб олиш ҳам ёғин-сочин кунларига қолдирилмади. Бу йил ниятимиз шундай: 146 гектар ернинг юз гектарини машина теримига ажратдик. Колхоз раҳбарлари бригадага яна қўшимча машина беришга ваъда қилишди. Ажратилган участкадаги ғўзалар бир текис ривожланаяпти. Пайкалда ёввойи ўтларнинг ўсишига йўл қўймаймиз.

Меҳмонлар колхознинг Ж. Сафаров, М. Мирзаев бошлиқ бригадаларида ҳам машина теримига дурустгина тайёргарлик кўрилаётганлигидан миннатдор бўлишди.

Яхши нарсани кўрганингда дилинг қувнайди, лекин имконият бўлатуриб, ундан етарли фойдаланилмаётган хўжаликлардаги аҳволни кўриб, ранжийсан киши. Мусобақадошлар колхознинг бошқа бригадаларида бўлганларида машина теримига тайёргарликнинг кўнгилдагидай эмаслигидан хафа бўлдилар. Ўртоқ У. Ҳамробеков ўзи раҳбарлик қилаётган бригадада ҳатто неча гектар ернинг машина теримига ажратилганини ҳам айтолмади. Ажратилган участкалар тепасига махсус тахтачалар қоқилмаган. Бундан ташқари бригадир кўрсатган пайкалда ғўзанинг ривожланиши бир текис эмас. Бу далада агротехника тадбирларининг тўғри бажарилишига ҳам жиддий эътибор берилмаяпти. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикадаги барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатида чеканкани сифатли ўтказиш, ён шохларини ҳам чилпиб кетиш тўғрисида алоҳида гапирилганига қарамай, бу иш бригадада ёмон бажарилган. Ён шохларига қўл теккизилмаган.

Ўртоқ Р. Йўлдошев бир неча йилдан бери «Шарқ юлдузи» колхозида бригадирлик қилади. Деҳқончиликда анча-мунча тажрибага эга. Лекин, у негадир машинада пахта териш тўғрисида гап борганида пешонасини тириштириб:

— Ер шароитимиз унчалик яхши эмас. Машина юролмайди ҳам, — дея бепарволик билан жавоб берди. Қизиғи шуки, машина теримига ажратилган 20 гектар ердаги ғўзаларни алоҳида парвариш қилиш ташкил этилмаган. Натижада ўсимлик пасту-баланд бўлиб ўсмоқда. Далада ёввойи ўт кўпайиб бораяпти.

Колхознинг ўртоқ М. Камолов бошлиқ бригадасида аҳвол айниқса жиддий. Мусобақадошлар бригада далаларини айланар эканлар, қалин ғумайзор бўлиб кетган уч гектарлик пайкални кўриб ҳайрон қолдилар. Бепарволик шунчалик ҳам бўладими? Ғўзани ўт орасидан зўрға топасиз. Аҳволнинг бундай даражага келиб қолишига чидаб турган деҳқоннинг хафсаласига ҳайронсан киши!

Хўжаликда бу йил 12 та терим машинаси ишлаши керак. Бироқ уларнинг ремонти билан колхоз раҳбарлари дурустроқ қизиқмаяптилар.

— Неча машина мавсумга тахт? — Меҳмонлар экономист ўртоқ Б. Султоновга ана шундай савол билан мурожаат қилдилар. У нима дейишини билмай, ланж жавоб қайтарди:

— Тўққизтасини «Узсельхозтехника» район бўлимига топширганмиз. Қолгани трактор паркимизда. Юборилганларининг ремонти тугагандан кейин қолганини жўнатамиз.

Жавобни қаранг! Йиғим-терим мавсуми тобора яқинлашаётган бўлса-да, колхозда терим машиналарининг ремонтига, механизатор кадрларни тайёрлашга панжа орасидан қаралмоқда.

Илгарилари «Интернационал» колхози машинада пахта теришда бутун областга танилган эди. Кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари бу ерга келиб, тажриба ўрганиб кетар эдилар. Бу йил хўжаликда аҳвол мақтанарли эмас. Тўғри, колхоз раҳбарлари:

— Машиналар ёрдамида 700 эмас, 800 гектар ердаги пахтани териб оламиз, — деб ваъда беришган. Ҳозир бригадаларни айланиб кўрсангиз, дарҳол ажратилган участкаларга кўзингиз тушади. Пайкал четига ўрнатилган тахтачада участканинг гектари, кўчат қалинлиги, механик-ҳайдовчининг фамилияси кўрсатилган. Аммо участка ажратиш билангина иш битмайди-ку. Бу ишнинг бир томони, холос. Техника ремонти, механизатор кадрлар тайёрлаш масаласига келганда колхоз оқсаяпти.

Колхозда 24 та пахта териш машинаси бор. Шулардан атиги 12 тасининг ремонтига киришилган. Колхоз раиси ўртоқ М. Хожимуҳамедов меҳмонларга бирорта тайёр машина кўрсата олмади.

— Нега бунчалик кечикаяпти ремонт? — сўрашди мусобақадошлар.

— Куч етишмаяпти, — жавоб берди раис. — Механизаторларимиз парваришдан бўшаганларидан кейин ремонтни тезлаштириб юборамиз.

Ахир колхозда ҳали анчагина майдондаги ғўзалар ёш. Уларни йиғим-терим бошлангунга қадар парвариш қилиш лозим. Бунақада механизаторлар парваришдан бўшаши қийин-ку. Раис буни ўйламаётганга ўхшайди. Шунингдек колхозда кўсак чувиш машиналари, прицеплар ремонтига ҳам ҳанузгача киришилмаган.

Янгийўллик пахтакорлар олдида бу йил теримни машиналаштириш соҳасида олижаноб вазифалар турибди. Етиштириладиган умумий ҳосилнинг 15 минг тоннаси «зангори кема»ларда териб олиниши керак. Бунинг учун пухта тайёргарлик талаб қилинади. Ваҳоланки, бошқарма хўжаликларида олинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун кураш кўнгилдагидек ташкил этилмаган. «Узсельхозтехника» район бўлимларининг ходимлари техника ремонтининг боришини доимий назорат остига олмаганлар. Механизатор кадрлар тайёрлашда эса пала-партишликка йўл қўйилаяпти. Мусобақадошлар юқоридаги жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан янгийўлликларга қимматли маслаҳатлар бердилар. Ҳозирги муҳим вазифа ана шу дўстлар маслаҳатини амалга оширишдан иборатдир.

Б. ДИНАСИЛОВ,
Қозоғистон ССР, Чимкент область, Сариоғоч ишлаб чиқариш бошқармаси газетасининг редактори.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БУГУН ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ИХТИРОЧИЛАРИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

МЕҲНАТИНГИЗ ЗИЙНАТИ КЎП

Мамлакатимизда коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун нураш кенг кўламда олиб борилаётган ҳозирги вақтда меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг сабаби ҳаммага маълум, албатта. Меҳнат унумдорлигини юксак даражага кўтармасдан туриб, янги жамият қуришдан иборат улуғвор вазифани тез амалга оширши амри-маҳол. Шуни ҳисобга олиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида иш унумини юксалтиришга интилияпти. Бу вазифага эса халқимиз севиб «тинниб-тинчимаслар» деб атаган рационализитор ва ихтирочилар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Республикамиз, шу жумладан Тошкент областининг янгилик изловчилари еттинчи йиллик топшириқларини бажаришга ёрдам бериш мақсадида тинмай ижодий иш билан шуғулланмоқдалар. Завод ва фабрикалар, кон ва шахталар, транспорт ташкилотлари, қурилишлар ва қишлоқ хўжалигидаги кўпминг кишилик новаторларимиз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш борасида дуруст натижаларга эришмоқдалар.

Машинасозлик корхоналарида рационализаторлар билан ишлаш, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Кўпчилик заводларнинг маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчилар ижодий ишининг ҳар томонлама кенгайишига катта эътибор бериб келмоқдалар. Масалан, «Чирчиқсельмаш» заводини олиб кўрайлик. Корхонада қабул қилинган таклифлар аниқ ҳисобга олиб борилади, кўп ўтмай ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Рационализаторларнинг ижодий изланишлари учун тематик планлар тузиб қўйилади. Новаторлар билан мунтазам суҳбатлар, лекция ва консультациялар ўтказиб турилади. Виставкалар, стендлар ташкил этилади. Бошқа корхоналарга экскурсиялар, ижодий командировкалар уюштирилади.

«Ташсельмаш», «Тоштекстильмаш», «Узбексельмаш», «Ташавтомаш», экскаватор заводлари ва бошқа корхоналарда ҳам рационализаторлик ҳаракати тобора оммавий тус олмоқда. Тошкент экскаватор заводи ижодий интеллигенциясининг ташаббуси ҳар томонлама диққатга сазовордир. Инженер-техник ходимлар ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий қилиш билан экскаваторлар тайёрлашга меҳнат сарфиётини анча камайтиришга эришмоқдалар. Шу йилнинг биринчи ярмида 621 та таклиф тушди. Уларни жорий қилиш ҳисобига ҳар бир экскаватор ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақти 55 соат қисқарди.

Шунисн қувончлиқ, қишлоқ рационализаторлари ҳам ижодий изланишга тобора кенг киришмоқдалар. Областда рационализаторлик иши яхши йўлга қўйилган совхозлар ва «Узсельхозтехника» бўлимлари анчагина бор. Қўйлиндаги ремонт заводи, «Узсельхозтехника»нинг Сирдарё, Чиноз район бўлимлари, «Узбекистон ССР беш йиллиги», 2-«Оҳангарон» совхозлари бунга мисол бўла олади.

Илгарилари қурилиш ташкилотларида рационализаторлик ҳаракати жуда суст эди. Сўнгги вақтларда эса бу соҳадаги ишлар анча яхшиланди. «Алмаликсвинецстрой», «Узэлектромаш» трестлари, Тошкент уйсозлик комбинати ва бошқа ташкилотлардаги тинниб-тинчимаслар фаолияти ҳам таҳсирга сазовордир.

Областимизда янгилик изловчилар билан ишлашнинг яхшиланишида Бутуниттифоқ рационализаторлар ва ихтирочилар жамияти саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, совхозлардаги Советларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Кўпгина Советлар янгилик изловчилар ўртасида конкурслар ва кўриклар ўтказишмоқда, энг яхши новаторларнинг тажрибасини оммалаштирмоқдалар, янги-янги ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни рационализаторлик ҳаракатига жалб қилишаяпти.

Областда ихтирочилар ва рационализаторлар билан ишлашда ҳатта камчиликлар ҳам бор. Ҳамма жойда ҳам бу ҳаракатнинг оммавийлиги учун нураш олиб борилмаяпти. Масалан, машинасозлик саноати корхоналарида ишлаётган ҳар 15 кишининг, қурилиш ташкилотларида меҳнат қилаётган ҳар 69 бинокорнинг, автотранспорт корхоналарида ҳар 80 кишининг бири ижодий ишда қатнашмоқда. Қишлоқ хўжалигида эса аҳвол бундан ҳам чатоқ.

Оҳангарон цемент заводи, Тошкентдаги 2, 5, 7-автобазалар, Янгибозор, Алимкент пахта тозалаш, Тошкентдаги металл идиш-товоқлари заводларида рационализаторлик ҳаракати аянчли аҳволда. Худди шундай ҳолни «Узавторемонт» трестида ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, ана шу корхоналарда рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ижодий изланишлари учун немтик жойлар жуда кўп.

Тинниб-тинчимасларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда суст кашлик бор. Кўп корхоналарда ҳар йили қабул қилинган таклифларнинг 30—50 процентн амалга оширилмай қолаяпти.

Рационализаторлар билан ишлашдаги бюрократизм, сансалорлик, қонунчиликни бузиш фактларини кўплаб келтириш мумкин. Бу фактлар қанчалик катта ёки ничик бўлмасин техника прогресси учун нурашнинг муваффақиятли олиб борилишига маълум даражада зарар келтиради. Шунинг учун ҳам ҳамма жойда мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун кескин чоралар кўриш лозим.

Меҳнатининг зийнати кўп новаторларимиз бундан буён ҳам ўз олижаноб ишларини антив олиб борадилар, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Уларнинг ижодий изланишларига ҳартомонлама муваффақият тилаймиз, ижодлари барқ уришини истаймиз.

И. ИКРОМОВ,
ВОИР Ўзбекистон республика Советининг секретари.

УЧ МАРТА ОРТИҚ

Шу йилнинг бошларида Тошкент экскаватор заводи номини тилга олмаган, унинг инженер-техник ходимлари шаънига мадҳиялар ўқимаган бирорта ҳам коллектив қолмади ҳисоби. Корхона техника интеллигенцияси бошлаган «Инженерлик соати» бутун иттифоқимиз бўйлаб қанот қоқди.

Илғор корхона инженерлари ҳозир ҳам ўз сўзлари устидан чиқмоқдалар. Улар «Ҳар биримиз экскаватор тайёрлаш учун меҳнат сарфиётини 30 минутдан камайтиришга эришамиз» деб эълюрт олдида берган ваъдаларининг устидан чиқиш учун ижодий изланишни тобора авж олдирмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган фақат олти ойи ичида завод рационализаторлик ва ихтирочилик бюросига 621 та қимматли таклиф тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврида тушган таклифлардан уч мартача кўпдир. Таклифлар шунчалик кўпки, ҳатто бу ҳаракатга раҳбарлик қилиш бўйича ташкил этилган штаб аъзоларини ҳам шошириб қўймоқда.

Улар таклифларни тезлик билан муҳокама қиладилар. Қимматли фикрлар бир вақтлардагидек папкага солиб асраб қўйилмайди. Нафи тегадиган бўлса бас, дарҳол ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Шу ишлар билан шуғулланувчи махсус бешта комплекс ижодий бригада тузилган. Бригада составига корхонанинг кўзга кўринган ихтирочилари, инженерлари киритилган.

Парма ловчи Н. Калмиков кўп таклифлар киритишда барчага ўрнак бўлмоқда. У қисқа вақт ичида қўл меҳнатини енгиллатувчи, маҳсулот сифатини яхшиловчи 25 та таклиф билан чиқди. Конструктор М. Котелин, цех технологи И. Кулигин, технологлар М. Новиков, Ю. Труин ўртоқлар ишлаб чиқаришнинг турли кемтик жойларини бартараф этиб, корхонага кўплаб фойда келтираяптилар.

Ж. НОСИРОВ.

БИНОКОР РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР

«Алмаликсвинецстрой» трести рационализаторлари ўз таклифлари билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва давлат маблағларини тежашга муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар фақат ўтган ярим йилдаёқ 69 та таклиф киритдилар. Шуларнинг 59 таси жорий қилинди. Бу трестга 48 минг 286 сўмлик фойда келтирди.

4-бошқарма коммунистик меҳнат бригадаси бошлиги ўртоқ Г. Назаров актив рационализаторлардан ҳисобланади. Унинг ўнта таклифи 2217 сўмни иқтисод қилиш имконини берди. 3-бошқарма прораби ўртоқ В. М. Чернов таклифлари эса 5 минг сўмга яқин фойда келтирди.

Монтажчилар бригадаси бошлиги И. Бурдюгов ва монтажчи П. Федяев ўртоқлар ҳозир йирик панелли бинолар қурилишига янгиликлар киритиш билан банд. Улар теплофикацион плиталарни монтаж қилишда фойдаланиладиган махсус илгакларни конструкция қилдилар. Бу меҳнатни анча енгиллатиш билан бирга ишда тўла хавфсизликни таъминламоқда.

Учинчи бошқарма слесарлари В. Архипов, А. Водясов ва механик Б. Одилбеков ўртоқлар бригаликда ижодий изланиб қисқа муддат ичида бешта қимматли таклиф киритдилар.

В. КУЗНЕЦОВ.

Юқоридаги суратга қараб ўз ишига бунчалик берилиб кетган ким экан деб ўйлаётгандирсиз. Бу аёлни Тошкентдаги электротехника заводининг коллективи жуда ҳурмат қилади. Ойниса Холиқова—корхонанинг энг пешқадам ишчиларидан бири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир. Ойниса кунлик нормани бир ярим ҳиссага етказиб адо этади, нуқул аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради, жамоат ишларида актив қатнашади. Шунга қарамай янгилик излаш учун ҳам вақт топади. У ишлаб чиқаришнинг кемтик жойларини бартараф этишга қаратилган бир неча қимматли таклифлар киритган.

Пастдаги суратда: «Узбекхимаш» заводида буғ установкасини йиғиш пайти. Бундай аппаратлар ҳозир химия ва металлургия саноатида кенг қўлланилмоқда. Буғ агрегатларини яратишда корхона новаторлари — (чапдан) электр пайвандчи В. Радзивиловский ва қозонхона ишчиси В. Монгос ўртоқлар ўз изланишлари билан айниқса катта ҳисса қўшдилар.

А. Тўраев ва О. Левак фотолари.

142 минг сўм тежалди

— Ҳар бир инженер Михаил Львовичга ўхшаб тинимни билмаса, доимо изланса эди, давлатимиз қанчадан-қанча фойда кўрган бўларди,— ҳамкасблари Симкин ҳақида шундай дейишади яккаш.

Чиндан ҳам ихтисослаштирилган «Узэлектромонтаж» трестига қарашли Тошкент монтаж бошқармаси бош инженери М. Л. Симкин изланишларининг натижаси бўлган 12 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари қурилиш-монтаж ишларида йилига 86 минг сўмлик маблағни тежаб қолмоқда.

Илгарилари электр токи билан ишловчи машина ва механизмларнинг корпуси доимо заземление қилинар, яъни махсус металл қозиқларидан бир нечасининг ораси 2—3 метр узунликда ерга қоқилиб, сўнг улар металл парчалари ёрдамида ўзаро пайвандланарди. Сўнг қозиқларга йўғон металл сим уланиб, улар машина ҳамда механизмларга махсус болтлар билан мустаҳкамланарди. Бу усул билан ишлаганда кўплаб меҳнат ва вақт бекорга сарфланар, бир неча тонналаб қимматбаҳо металл нобуд бўларди.

Тажрибали инженер бу исрофгарчиликни бартараф этиш устида узоқ бош қотирди. Турли тажрибалар ўтказди. Ва ниҳоят заземленияни монтаж қилишнинг янги оригинал установкасини ихтиро қилди. Янги кашфиёт аввало бехуда вақт кетишига чек қўйди. Меҳнат унумдорлиги 7—8 марта ошди. Установка энди йилига 13 минг сўмга яқин маблағни тежаб қолмоқда.

«Узэлектромонтаж» трестига қарашли Чирчиқ монтаж бошқармасининг старший прораби Иван Тимофеевич Пупков ихтиролари ҳам ўз ҳамкасби установкасидан қолишмайди. Унинг ишлаб чиқаришга татбиқ қилинган 15 рационализаторлик таклифи корхона коллективига ҳар йили 56 минг 400 сўм тежаш имконини бермоқда.

Янгилик ошиқларининг бу меҳнатлари республикамиз партия ва ҳукумати томонидан муносиб қадрланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан М. Л. Симкин ва И. Т. Пупков ўртоқларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационализатор» деган унвон берилди. Бу ҳурмат янгилик изловчиларни новаторлик соҳасида янги муваффақиятларга руҳлантириб юборди. Улар янгиянги ихтиролар устида ижодий изланиш олиб бораяптилар. Бу тинниб-тинчимаслар ўз коллективларини янада ажойиб рационализаторлик таклифлари билан ҳурсанд қилишларига ишонамиз.

С. МУРТАЗОЕВ.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Владимир Петин раҳбарлик қилаётган жамоатчи конструкторлик бюроси аъзолари иш жараёнларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар шу кунгача 9 та йирик техникавий янгиликни ишлаб чиқаришга жорий қилишди. Бюро аъзоларининг таклифи билан «Ш—ОКБ» печларининг керамик тахламини олмай туриб, реконструкция қилинди. Маҳсулот чиқиндиларини қайта ишлайдиган ва пиширмай янгидан тайёрлайдиган махсус печнинг конструкцияси ҳам шу бюрода туғилди. Жамоатчи конструкторлардан С. Тургунбоев, А. Тўлаганов, В. Олейников, В. Гребенкин ўртоқлар иш шароитларини яхшилашга қаратилган таклифлари билан ҳам чиқишаяпти. Яқинда уларнинг ташаббуси билан сим йигирувчи машиналар участкасига ҳавони янгилаб берувчи вентиляция қурилмаси ўрнатилди.

Тиниб-тинчимас ҳамкасбларимиз жорий қилаётган янгиликлар комбинатимиз экономикасини юксалтиришга ёрдам бераяпти. Уларнинг ташаббуси асосида тровил бўлимига ўрнатилган биргина газ билан ишлайдиган печь йилига 100 минг сўмдан ортиқ фойда келтиради.

Т. ҲРУНОВ,
Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати хизматчиси.

АФРИКА ПРОЛЕТАРИАТИ ЖИПСЛАШМОҚДА

Барча кишиларни ижтимоий тенгсизликдан, зулм ва эксплуатациянинг ҳар қандай кўринишларидан озод қилиш учун қурашда халқаро ишчилар синфининг роли тобора ортиб бормоқда. Бу ҳозирги замоннинг характерли хусусиятларидан биридир.

«Кейинги йилларда жаҳон майдонига ишчилар синфининг янги отрядлари чиқди, — деб кўрсатади Н. С. Хрушчев. — Осиё, Латин Америкаси ва Африка мамлакатларида 100 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчи бўлиб, улар социалистик бўлмаган дунёда бутун ёлланма меҳнат армиясининг қарийб 40 процентини ташкил қилади». Африканинг ишчилар синфи пролетариат халқаро революцион ҳаракатининг муҳим қисми бўлиб, унинг сафларида қарийб 15 миллион киши бор.

Африка ишчилар синфи чет эл мустамлакачилиги ҳукмронлиги шароитида шаклланди. Бу нарса унинг ўзига хос хусусиятларини белгилади. Мустамлакачилар Африкадан мумкин қадар кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалик хомашёси олиш тўғрисидагина бош қотирдилар. Шунинг учун ҳам бу ерда қайта ишлаш саноати ривожланмади. бинобарин. фабрика-завод пролетариатининг сон жиҳатдан камлиги, қишлоқ хўжалигида эса кишиларнинг кўплиги ҳам шунга боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳозир ишчилар 5 миллион. хизматчилар эса бир миллион кишини ташкил қилади.

Африканинг кўпгина мамлакатларида миллий буржуазия ҳали кучсиз бўлиб, у йирик корхоналар қурилиши учун етарли маблағларга эга эмас. Қитъада ишчилар қўнимсизлиги катта бўлиб. бунга сабаб шуки. кўпгина африкаликлар ердан ажралишни истамаётирлар, улар шаҳарда бироз вақт ишлагач, яна ўз қишлоқларига қайтиб кетмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ишчилар катта коллективининг вужудга келишига ғов бўляпти, ишчилар синфининг ўсишини секинлаштиряпти. ишчиларнинг ўз синфий ва сиёсий вазифаларини тушунишига салбий таъсир кўрсатяпти.

Бироқ, шунга қарамай. Африка ишчилар синфи йил сайин ўз сафларини кенгайтириб. жипслиги ва уюшқоқлигини мустаҳкамламоқда. Пролетарларнинг кўп сонли отрядлари кон саноати ривожланган Жанубий Африка Республикаси (2,3 миллион киши), Конго (бир миллиондан ортиқ), Марокаш (бир миллион кишига яқин). Шимолий ва Жанубий Родезия (бир миллионга яқин) мамлакатларида мавжуд. Нигерия (700 минг киши). Ангола (800 минг киши), Кения (560 минг киши) каби мамлакатларда ишчилар синфи тобора ўсиб боряпти.

Африка ишчилари жуда оғир шароитда яшаб, меҳнат қилади. Бир қатор мамлакатлар ҳали ҳам мустамлакачилик исканжасида бўлиб, улардаги ишчилар фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас. балки сиёсий жиҳатдан ҳам зулм остига олинган. Сиёсий мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда ҳам ишчилар синфининг аҳволи оғир. Кўпгина мустақил мамлакатлар экономикасининг асосий соҳаларида ҳалигача чет эл капитали ҳукмронлик қилмоқда.

Чет эл компаниялари корхоналарида ишлаётган ишчилар қаттиқ эксплуатация қилинаяпти. Компаниялар кўпинча маҳаллий қонунлар билан ҳисоблашмайдилар. улар ўз полициясига, ўз пропаганда машинасига эга. Каллаистлар кўпинча кунига 12 соатлаб қилинган оғир иш учун жуда кам ҳақ тўлайдилар. шу билан бир вақтда ишчиларнинг меҳнат шароитлари тўғрисида заррача ҳам қайғирмайдилар.

Африкаликларни ишга ёллашда ва уларга ҳақ тўлашда ирқчиликка йўл қўйиляпти: африкалик ишчилар фақат оғир ва кам малакали ишларга қабул қилинсалар ҳам. оқ танли ишчига нисбатан 10—12 баравар кам иш ҳақи олишади.

Корхона ва плантацияларда назоратчилар ва маъмурият ўзбошимчалиги ҳаддан ошган, улар озгина айб учун ишчиларга штраф соладилар, уларни калтаклайдилар. Жанубий Африка Республикаси. испан мустамлакаларидаги плантацияларда ишчиларни ҳатто ўлдириши ҳоллари ҳам юз берган. Ангола. Мозамбик. Жанубий Африка Республикаси. Жанубий-ғарбий Африкада мажбурий меҳнат кенг қўлланилмоқда.

Лекин Африка ишчиларини шафқатсиз равишда эзишнинг оғир системаси уларни итоаткор қилиб қўймади, уларнинг яхши ҳаёт учун курашда иродасини бука олмади. Африка қитъасида забастовка ҳаракатининг кенг тарқалаётганлиги бундан дарак беради. 1958 йилдан то 1962 йилгача Африка мамлакатларида 2-5 миллион киши иш ташлади. Бу ҳаракат 1963 йилда янада кучли суратда давом этмоқда. Забастовка курашида ишчилар бирлиги тобланиб, уларнинг синфий ва сиёсий онги ўсмоқда, умумий манфаатларини ҳимоя қилишда ишчилар бирдамлиги мустаҳкамланаётир. Мана бир неча мисол. 1963 йил февралида Шимолий Родезиянинг Муфулира мис конида маъмурият 80 оқ танлини ишдан бўшатди. Уларга бирдамлик белгиси сифатида бойитиш заводининг ишчилари иш ташладилар. Оқ танли ишчиларни африкаликлар қувватладилар. Бу жуда қизиқ факт: чунки Шимолий Родезия конларининг хўжайинлари барча воситалар билан (иш ҳақи тўлаш. ишга қабул қилиш ва ҳоказо) оқ танли ишчиларни қора танли ишчилардан ажратишга уриняпти.

Февраль ойининг ўрталарида Конгонинг Леопольдвиль. Тисвиль, Матади ва Бома шаҳарларида «ОТРАКО» транспорт компанияси ишчилари ва хизматчиларининг забастовкаси бошланди. Ишчилар нарх-навонинг ошиб кетиши муносабати билан иш ҳақини оширишни талаб қилдилар. Стэнливиль ва Кокийавиль порт ва темир йўл ишчилари забастовкачиларга қўшилдилар. Маъмурият ишчиларнинг талабларини қараб чиқишга рози бўлганидан кейингина улар ишга чиқдилар.

Нигерия порт ишчиларининг февраль ойида бўлиб ўтган забастовкаси ўзининг қатъийлиги ва юксак уюшқоқлиги билан ажралиб туради. Ишчилар иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилиб чиқдилар. Забастовка пойтахт шаҳар — Лагос портида бошланди. Маъмурият полиция ва штрейкбрехерлар ёрдамида забастовкани тўхтатишга уринди. Лекин ишчилар қаттиқ туриб, полиция билан юзма-юз тўқнашдилар. Тўқнашув натижасида бир неча ишчи яралор бўлди. Кўпчилиги қамоққа ташланди. Бир неча кун ўтгач, яна олтита порт ишчилари лагослик ўз ҳамкасбларига қўшилдилар. Забастовка умуммиллий тус олди.

Забастовка курашида ишчилар иқтисодий талаблар билан бирга сиёсий талабларни ҳам қўймоқдалар. Бу жиҳатдан Жанубий Африкадаги кичик инглиз мустамлакаси — Свазиленд меҳнаткашларининг қарийб бир ой давом этган забастовкаси характерлидир. Африканинг энг қолоқ ва энг кўп зулм кўраётган ана шу районида забастовка ўтказилиши қора қитъада мустамлакачиликка қарши қураш олиб борилмаган бирор жой қолмаганлигидан дарак беради. Май ойи ўрталарида Свазилендаги Хэйвлок асбест конларининг ишчилари иш ташладилар (бу район дунё бўйича асбест олинадиган беш коннинг биридир). Забастовкачилар қатъий иш ҳақи ўрнатилишини талаб қилишди. Уларга чет эллик хўжайинларнинг зулмидан азоб чеккан Биг Бенде қанд плантацияларининг ишчилари қўшилди. Иқтисодий забастовка сиёсий тус олди. Меҳнаткашлар свази халқи ҳуқуқларини поймол қилувчи, мустамлакачилар томонидан жорий қилинган конституцияни бекор қилишни талаб этдилар. Мустамлака пойтахти Мбабанда ва бошқа аҳоли пунктларида намойишлар бўлиб ўтди.

Полиция намойишчиларга қарши таёқларни ва кўздан ёш оқизадиган газни ишга солди. Бироқ мустамлакачиликка қарши кўтарилган бу ҳаракат шунчалик кучли бўлдики, уни бостиришга маҳаллий полиция ожизлик қилди. Ўз ерга Кениядаги инглиз ҳарбий базасидан 24-пиёда аскарлар бригадасининг батальони шошилинч равишда келтирилди. Ватанпарварларни оммавий суратда қамоққа олишлар бошланди. Ҳокимият намойиш ва митингларни тақиқлаб қўювчи ва «тартиб сақлаш»га қаратилган ваҳшиёна қонун чиқарди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Африка меҳнаткашларининг забастовка ҳаракати (иқтисодий талаблар бунда сиёсий талаблар билан боғланиб кетган) кўпчилик Африка мамлакатларининг сиёсий мустақилликка эришувларида катта роль ўйнади. Бу ҳаракат ҳали ҳам мустамлака зулми остида эзилаётган мамлакатлардаги озодлик курашининг кучайишида муҳим омил бўлмоқда. 1950 йилги умуммиллий забастовка Ганада 1951 йилда ўтган сайловларда Конвент халқ партиясининг ғалаба қилишига сабаб бўлди. Бу эса мамлакатга ички ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқининг берилишига ва ниҳоят 1957 йилда Гананинг миллий мустақилликка эришишига олиб келди. Бельгия Конгосидаги кончилар ҳаракати 1960 йилда Конгонинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши учун замин бўлди. Шимолий Родезия ва Ньясаленд меҳнаткашларининг забастовкалари мустамлакачиликка қарши қаратилган курашнинг кучайишига ёрдам берди. Натижада инглизлар халқлар манфаатига зид бўлган Родезия ва Ньясаленд Федерациясини тарқатиб юборишга мажбур бўлдилар.

Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашнинг активлашувида ишчиларнинг касаба союзларга бирлашуви катта аҳамиятга эга. Мустамлакачи ҳукмдорларнинг қаршилигига қарамай, Африкада касаба союзлар вужудга келиб, улар меҳнаткашлар манфаати учун курашни кенгайтирди. Ҳозир касаба союзларга уч миллиондан кўпроқ киши бирлашган. Энг таъсирли касаба союз ташкилотлари қаторида Марокаш меҳнат иттифоқи (унинг 700 мингга яқин аъзоси бор), Гана касаба союзлари Конгресси (500 минг киши), Шимолий Родезия касаба союзлари Конгресси (60 минг киши), Мали меҳнаткашлари Миллий бирлашмаси (35 минг киши) бор.

1961 йилда Бутун Африка касаба союзлари федерациясининг (ВАФП) тузилиши Африка ишчилар ҳаракатида катта воқеа бўлди. Федерациянинг таъсис конгрессида 40 га яқин мамлакатдан, жумладан, Гана, Гвинея, Мали, Марокаш, Шимолий ва Жанубий Родезия, Ангола, Кениядан келган касаба союз ташкилотлари қатнашди.

Африканинг прогрессив касаба союзлари меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашида катта роль ўйнамоқда. Лекин улар революцион сиёсий партия ўрнини босаолмайди. Коммунистик партиялар Африка ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг озодлик революцияларини изчиллик билан охиригача етказиш, жамиятни тубдан қайта қуриш учун олиб бораётган курашига бошчилик қилмоқда. Коммунистик партиялар оғир шароитга қарамай, Жанубий Африка Республикасида, Жазоирда, Марокашда, Тунисда, Суданда ва Африканинг бошқа мамлакатларида муваффақиятли равишда иш олиб бормоқдалар.

Ҳозир Африка ишчилар синфи ва унинг авангарди олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Кўпгина Африка мамлакатларида сиёсий мустақиллик қўлга киритилиши билан миллий-озодлик революцияларининг биринчи босқичи тугалланди. Энди улар ижтимоий тараққиёт йўлларини танлаб олишлари лозим. Шундай шароитда империализмга, феодализмга қарши қаратилган демократик революцияларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ишчилар синфининг ўз атрофига миллий ва ватанпарвар кучларни қай даражада жипслаштира олишига боғлиқдир.

Д. КАСАТКИН
(ТАСС),

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН

Партия ташкилотининг идораси жим-жит. Кундуз кунлари ҳеч кимнинг овози эшитилмайди. Узундан-узоқ мажлислар ҳам бўлмай қолди. Хуллас бу ердан раҳбарларни топиш қийин.

— Ҳамма ишимизни — дейди партком секретари Раҳим Йўлдошев. — идорадан далага кўчирдик.

Совхознинг бўлим ва бригадаларини айланиб чиқдик. Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи билан танишдик. Партия ташкилоти ишчи ва хизматчиларнинг бутун куч ва эътиборини дала ишларини намунали ташкил қилишга сафарбар этган.

Партия ташкилотининг состави илғорлар ҳисобига мустаҳкамланган. 125 партия аъзоси хўжаликнинг турли соҳаларида ишлаб кўпчиликнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўляпти. Улар тарбиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни уюшқоқлик билан ташкил қилишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам беришяпти.

Гапнинг ростини айтиб қўяқолайлик. Ҳали совхозда турли тоифадаги кишилар бор. Уларнинг кўпчилиги яхши ишлаб ном чиқаришган. Баъзиларнинг ишида эса ҳали унум йўқ. Коллективнинг шаънига доғ туширувчилар ҳам топилиб қолади. Совхоз партия ташкилоти ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўз ишини қайта қурди. Бутун эътиборни омма билан ишлашга қаратди.

Партия бюросининг аъзолари тез-тез жойларда бўлиб, кишилар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини омма ўртасида ёйишда анча ишларни қилишди.

Совхознинг Серго бўлимида ўтказилган йиғилиш ҳали ҳам ҳамманинг эсида. Сўзга чиққан ўртоқлар Пленум қарорларини якдиллик билан маъқулладилар. Ишдаги камчиликларни тузатиш юзасидан қимматли фикрларни ўртага ташладилар. Бунинг натижаси чакки бўлмади. Бўлимнинг ишида кескин ўзгариш бўлди. Уюшқоқсизликка чек қўйилди. Иш қаттиқ график асосида ташкил этилди. Ҳосилнинг тақдири учун кураш бошланди. Ўрим-йиғимда исрофгарчиликка чек қўйилди. Авваллари ҳар гектар ердан 15 центнердан арпа ҳосили олинган бўлса, йиғилишдан кейин гектар бошига олинган ҳосил 20 центнерданга етди.

Ўша йиғилишда агитаторларнинг составини ҳам қайта кўриб чиқилганди. Ишчан, билимли кишилар ҳисобига агитколлектив мустаҳкамланди. Раимбобоев, Алибоев, Турматов каби агитаторлар партия ташкилотининг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар пахтакорлар, ғаллакорлар ва чорвадорлар ўртасида бўлиб, илғорларнинг ютуғини оммалаштириб, қолоқларнинг камчиликларини кўрсатиб туришибди.

Ёрдамчи бухгалтер Қодир Алибоевнинг агитаторликдаги иш фаолияти айниқса диққатга сазовордир. У кечқурунлари идорада, кундуз кунлари эса ишчилар орасида бўлади. Улар билан гаплашиб, унумли меҳнат қилишга чақиради. Бўлимда помидор етилиб пишди. Лекин уни тезроқ йиғиштириб олиш қийинлашди. Мўл ҳосил шошириб қўйди. Агитатор дарҳол қишлоққа келди. Чолу кампирларнинг юрагини қитиқлади. Ғайратини оширди. Агитаторнинг сўзи бекорга кетмади. Дала ишига 15 га яқин қўшимча ишчи кучи жалб қилинди. Натижада помидор териш суръати тезлаштирилди.

Партия ташкилоти меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ташкилий-оммавий ишларнинг барча воситаларидан меҳирлик билан фойдаланмоқда.

Сўнгги вақтда сиёсий ташкилотчиларнинг иши ҳам анча жонлантириб юборилди. Улар ишчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиб, керак бўлганларга амалий ёрдам бераётирлар. Меҳнат интизомини бузувчиларга қарши жамоатчиликнинг фикрини қўзғатмоқдалар. Низомов, Ойтўраев, Бўранбоев каби сиёсий ташкилотчилар бириктирилган ҳовлиларда фойдали иш билан шуғулланмайдиган биронта ҳам киши қолмади. Сайдаз Дониёров ўзининг ярамас хулқи билан кўпчиликка танилиб қолди. Тўғри, у ҳали ёш, тоғни урса талқон қиладиганлардан. Лекин ўзини тута билмади. Бирон ерда ёлчитиб ишламади. Ичкиликбозликка берилди. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отди. Хотинини ҳақорат қилди. Кўча ва чойхоналарда тўпалон қилиб, ҳеч кимга кун бермади. Дониёровнинг бундай ярамас одатлари билан сиёсий ташкилотчи Шораимов келишиб турмади. Унинг хатти-ҳаракатларини кенг жамоатчилик ўртасига ташлади. Маҳалланинг ёш ва қарияларига Дониёровнинг ножўя ҳаракатлари айтиб берилди. Кўпчилик Сайдазни изза қилди. У айбларига иқрор бўлди. Фойдали ишда ўзини кўрсатажагини айтди. Орадан бир неча кун ўтди. У сўзининг устидан чиқди. Боғдорчилик бригадасига ишга кирди. Ҳозир унинг ишидан нолийдиганлар йўқ. Сувчилик касбини ўрганиб олди. Нормасини ошириб бажаришга ҳаракат қиляпти.

Кўпгина бригада ва бўлимларда социалистик мусобақа шартлари тузилган. Бироқ анча вақтгача мусобақа шартларининг бажарилиши билан деярлик ҳеч ким шуғулланмади. Бу эса айрим кишиларнинг кўпроқ ваъда бериб, амалда кам иш қилишларига сабаб бўлди. Партия ташкилоти бу соҳада йўл қўйган камчиликларни ҳам тузатди. Эндиликда бригада ва бўлимларда, звено ва фермаларда мусобақа шартларининг бажарилиши мунтазам равишда текширилиб турибди. Пешқадамларнинг тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Бўлимларнинг бошқарувчилари, бригадаларнинг бошлиқлари ҳам кишиларнинг ишга бўлган муҳаббатларини оширишга жиддий аҳамият бермоқдалар. Уларнинг кўпи тез-тез ишчилар билан учрашиб, турли темаларда суҳбатлар уюштиришяпти, хўжалик ишларини яхшилашга оид масалалар ҳақида фикрлашяпти.

Лекин совхозда шундай раҳбар ходимлар ҳам борки, улар оммадан ажралган ҳолда яшамоқда. Оммавий-сиёсий ишларни яхши ташкил қилишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам ҳам беришмайди. Ана шундай раҳбарлар жумласига совхознинг бош зоотехниги ўртоқ Драчов киради. У чорвадорлар ўртасида жуда кам бўлади, бўлганда ҳам ундай қилиш керак, буни қилмапсизлар, деб изига қайтаверади. Амалий ёрдам бермайди. Лекциялар ўқимайди. Бош инженер ўртоқ Житковнинг иш услубида ҳам ана шундай камчиликлар мавжуд. Октябрь бўлимининг бошқарувчиси Пашковский кишилар билан яқиндан алоқада эмас. Маъмуриятчиликка берилиб кетган. Қўполлик қиляпти.

—Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари,—дейди совхоз партия комитетининг секретари. — бизга йўлчи юлдуз бўлди. Биз Пленум қарорларига қатъий амал қилиб, кишилар билан ишлашни тубдан яхшилаймиз. Йўл қўйган камчиликларимизни тузатиб, идеология ишларимизни ҳаётга чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борамиз. Бу шу кунлардаги энг муҳим вазифамиздир.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент» насчилик совхози.

1-«Оққўрғон» совхозининг механизаторлари пахтани машинада териб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Пахта териш машиналари ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйилди. Суратда: (чапдан) совхоз марказий ремонт устахонасининг мудири И. Ё. Сухоняц, бош инженер Я. А. Белоусов ва инженер А. Ким ўртоқлар ремонтдан чиққан машиналарни текшириб кўрмоқдалар.

Ш. Шораҳмедов фотоси.

БАРАКА—ҲАЛОЛ МЕҲНАТДА!

(РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН)

Кекса, тажрибали деҳқонлар билан суҳбатда бўлиб қолсангиз бир ибратли гап айтишади: «Ёз ҳарорати — иқлим кароматн, деҳқон даромади». Ҳа, ёз сахий, соз фасл, унинг ҳар куни, ҳар дақиқаси ғанимат, ҳар дами ўлжа, фойда. Мана ёзнинг сўнгги ойи — август ҳам тез ўтиб бормоқда.

Ҳозир пахтакорлар олдида турган бирдан-бир вазифа Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатида кўрсатиб ўтилган тадбирлар асосида ғўза парваришини давом эттиришдан иборатдир.

Узоқни кўзлаган омилкор деҳқонлар ана шундай қилишяпти. Барча дала ишларини Мурожаат асосида пухта ташкил этиб, ғўза парваришини кундан-кунга кучайтиришяпти. Ўсишдан орқада қолган ғўзаларни алоҳида парваришлаб, уларни серҳосил ғўзаларга етказиб олиш тадбирларини амалга оширишяпти. Ғўзаларнинг табақалаштирилган ҳолда сифатли парвариш қилинишига алоҳида эътибор беришаяпти. Ўсимлик қатор оралари ишланиб, эгатларга шарбат суви таралиб, меёрида сувга қондирилаяпти.

Туну-кун далаларда фидокорона меҳнат қилиб, сербарака хирмон кўтариш ғамида астойдил қайғираётган бундай миришкорлар даласида ҳосил мўл. Шиғил-шиғил кўсаклар безаб турган бўлиқ ғўзаларни кўриб кишининг кўзи қувнайди.

Ана шулар ҳақида областимизнинг турли районларидан кўплаб хатлар келмоқда.

Мана қишлоқ мухбиримиз ўртоқ **Э. Отабоев** Оққўрғондан редакциямизга юборган хатида қуйидагиларни ёзади:

Коммунист ўртоқ А. Раҳмонов бошлиқ бригада Карл Маркс номли колхознинг пешқадам бригадаларидан ҳисобланади. Бригаданинг пахтакорлари ғўзани агротехника қоидалари асосида меҳр қўйиб парваришлаётганликлари туфайли ҳар йили пахта тайёрлаш планларини мунтазам ошириб адо этаётирлар. Ғўза парвариши бу йил ҳам намунали боряпти. Бепоён яшил далаларда қулф уриб яшнаётган ғўза тупларида ҳозирдаёқ 7—8 тадан тўқ кўсак санаўсиз. Бригаданинг ҳарбир аъзоси мўл ҳосил етиштириш учун астойдил шижоат кўрсатаяпти. Қ. Қўшматов ва М. Мирқосимов сингари тажрибали сувчилар бригаданинг фахри.

Ўртоқ **М. Хўжаевнинг** шу бошқармадаги 2-«Оққўрғон» совхозидан, **О. Тўрақуловнинг** «XXII партсъезд», **М. Пўлатовнинг** Ҳ. Олимжон номли, **П. Эргашевнинг** «Коммунизм», **М. Сулаймоновнинг** «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», **Н. Тўфоновнинг** К. Маркс номли колхоз ва совхозлардан ёзиб юборган хабарларида ҳам пахтакорларнинг шу долзарб кунлардаги қизғин меҳнати ва ғайрати акс этган.

Бекободлик қишлоқ мухбиримиз **Э. Қирқбоев** Навоий номли колхоздан хат юборибди. Унда колхознинг уста пахтакори, машъал звено бошлиғи Отамурод ака Бекбўтаев ва у бошлиқ звено аъзоларининг шу кунларда қилаётган жўшқин, серунум меҳнати ҳақида сўз юритилган. 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашаётган илғорлар даласида мўл ҳосил тўпланаяпти.

— Денгиз каби чайқалиб турган кенг, яшил пахтазор киши баҳридилини очади. — деб ёзади бошқармадаги Ленин номли колхоздан ўртоқ **М. Мирзаев,** — Бу тюпкочи Сиддиқ Содиқов бригада даласи. 75 гектарлик пайкалнинг ғўзаси текис ривожланиб, мўл ҳосил тугаяпти. 35 центнерни мақсад қилиб олган бу звено ғўзасининг ҳар тупида 6—7 тадан ортиқ бўлиқ кўсак бор. Шу кунларда бор ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун ғўзаларга тўйдириб шарбат суви берилаяпти.

Шунингдек бекободлик **Н. Норбўтаев, А. Эгамқулов** ўртоқларнинг редакциямизга юборган хатлари ҳам шу кунги дала ишларига бағишланган.

— Қуёш ёстиғидан бош кўтариб борлиққа энди зар кокилини тарата бошлаган вақт. Дала колхозчилар билан гавжум. Пахтадан юқори ҳосил етиштирамиз, деган азамат деҳқонлар ҳозирги дамларни ғанимат билиб эрта тонгданоқ ишга келишибди — деб ёзади Ўртачирчиқлик қишлоқ мухбиримиз **М. Отақулов** Ленин номли колхоздан. Бригадада ҳар ким ўз ишини билиб қилаяпти. Механизатор Б. Эргашев ва М. Қулумбетов ўртоқлар қатор ораларини тўртинчи марта ишлаш билан ғўзаларни етарли озиқлантираяптилар.

Ўртачирчиқлик ўртоқ **Т. Йўлдошев, М. Каримов, С. Олтмишов**лардан олинган хат-хабарларда ҳам ана шулар ҳақида фикр юритилади.

Мана, қўлимизда ўртоқ **Ю. Мансуров** ёзган хабар: Калинин бошқармасидаги Киров номли колхознинг гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашаётган ўртоқ М. Сиддиқов бригадаси далаларида олинган мажбуриятга яраша баракали ҳосил тўпланаяпти. Ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 7—8 тадан кўсак мавжуд.

Бригада аъзолари меҳнат мусобақасини янада авж олдириб, август ичи ҳар туп ғўзада қўшимча яна 2—3 тадан тўқ кўсак бўлишига эришиш учун астойдил ғайрат кўрсатишаяпти.

Калинин бошқармасидан **Б. Сафаров ,К. Уликов, Ж. Саъдуллаев** ўртоқлардан келган хат-хабарларда ҳам шу долзарб кунларда пахта далаларида мўл «оқ олтин» дурдоналари тўплаш учун белига ғайрат камарини боғлаган пахтакорларнинг кундалик қаҳрамонона ишлари ўз ифодасини топган.

Янгийўл бошқармасидан ўртоқ **Қ. Булганбоевнинг** ёзишича, бу йил 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган Охунбобоев номли колхознинг Турсуной Раимова бригадаси аъзолари августнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшишда ажойиб самараларни қўлга киритаётирлар.

Шу бошқармадан **Н. Миршарипов, Н. Норматов,** Бўкалик **Қ. Қамбаров** ва **А. Эргашев** ўртоқлар юборган хатлар ҳам турли хушхабарлар билан тўлиб тошган.

Пахтакор ўртоқлар! Ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи—августнинг кимматли дамларидан унумли фойдаланиб, далаларда олинган мажбуриятнинг тўла ва ошириб бажарилишига имкон берадиган ҳосил тўплашга эришайлик. Хирмонга шу кунларда барака қўшайлик!

Пахтазор хабарлари

ОҚҚЎРҒОН. Яхлит карталардаги мавж уриб ўсаётган ғўзалар майин шабадада тебраниб оҳиста силкинади. Кўсаклари ғуж-ғуж. Ҳа, 1-«Оққўрғон» совхозининг 2-бўлимидаги ўртоқ С. Хожимуродов бошлиқ бригадада ҳосил мўл бўлди. 134 гектар майдондаги ғўза ҳозиргача беш марта узунасига, уч марта кўндалангига культивация қилинди, озиқлантирилди. Ҳар гектаридан 29 ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб олишга аҳд қилган пешқадамлар шу кунларда ҳам парваришни давом эттирмоқдалар.

А. ТОИРОВ.

БЕКОБОД. Тюпкочи звенода ҳар бир тадбир олдиндан пухта ўйланиб амалга оширилаётганлиги туфайли яхши натижага эришиляпти. Бириктирилган 50 гектар майдондаги ғўза машина теримига мослаб ўтказилган. Далада биронта ҳам бегона ўт кўринмайди. «Чаноқ» совхозининг 2-бўлимидаги ўртоқ Ҳамроқул Шоҳимардонов бошлиқ бу звенонинг ишидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Звено аъзолари кўсакларни семиртириш, мумкин қадар эрта очилишини таъминлаш, машинанинг унумли ишлашига эришиш чораларини кўрмоқдалар.

Ш. ЎТАПОВ.

ЯНГИЙЎЛ. Ҳозир бу бригадада чеканка тугалланди. С. Иброҳимов, Қ. Канаева, С. Тостонова сингари ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар.

— Бу йил еримиз кенгайди, — дейди юқорида тилга олинган Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи Фикрет Сефершаев, — ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганмиз.

Далада ана шу мажбуриятга яраша иш боряпти.

Ў. КАРИМОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплашга эришамиз! Гектаридан 40 центнердан пахта йиғиб оламиз. «Ленин йўли» колхозининг Ш. Сабанов бошлиқ бригадаси аъзолари ана шу ният билан ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар.

Каттагина майдондаги ғўза машинада чеканка қилинди. Вақтида озиқлантирилиб, культивациядан чиқарилиб, сувга қондирилган ғўзалар серҳосил. Дала ишларини бажаришда Лазокат Қодирова, Мукар Дадаева каби колхозчилар айниқса намуна бўлишяпти.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

ТОҒ БУРГУТИ

Мухтор ака итларнинг пайдар-пай ҳуришию, қўй-қўзиларнинг нотинч маърашидан сесканиб уйғонди: ғира-шира тонг, бир қўра қўйнинг бари бесаранжом, тепаликнинг у ёғидан-бу ёғига гала-гала бўлиб югуришарди. Жуни жингалак жажжи қўзичоқлар бўлса қўнғироқ овоз билан калта-калта маъраб оналарининг кетидан эргашишаяпти. Чўпон йигит бу ҳолни кўрди-ю, даст ўрнидан турди. Қараса ити «Йўлбарс» ётган жойида йўқ. Демак бирор фалокат юз берган... У баҳайбат дўнгликнинг тепасига боқди. Шу он нариги қирдан жадал ошиб ўтаётган икки бўри билан йигирма-ўттиз қадам орқада уларни қувиб бораётган «Йўлбарс»ига кўзи тушиб қолди.

Йигитнинг юраги шиддатли ура бошлади. Бир зумни ҳам зое ўтказмай, ўзини эгарланмаган отнинг устига отиб, ўша томонга ошиқди. Мана, у қир бошида. Бўри-мўри кўринмайди, шитир этган товуш йўқ. Мухтор ака чуқур жарга қаради. Нариги тепалик қуюқ қўланка ташлаб тургани учун унинг тубини кўзи аранг илғади. Кенг пешонасига қўлини соябон қилиб синчиклаб қараган эди, сал равшанроқ кўрди. Ҳўв, пастликда оқсоқланиб тепага оҳиста кўтарилаётган «Йўлбарс» кўринди. Жонивор роса чарчаган шекилли, ҳамиша динг турадиган қулоқлари шалпайиб қолибди. У эгасининг ёнига келиб чўк тушди. Қонталашиб қолган сўл сони унинг йиртқичлар билан олишганидан далолат бериб турарди.

Чўпон қўрага хомуш бўлиб қайтди. Қўйлар энди бироз тинчланган эди. Мухтор ака «ишқилиб бўғизлаб кетмаган бўлсин-да» деган ўй билан синчков кўзларини қўйларга қадаб, сурув оралади. Бирдан унинг юраги орқага тортиб кетди. Бир эмас, икки қўй ерда чўзилиб ётарди. Бирининг қорни ёрилган, ичак-чавоғи қонга белашган. Бирининг ярим қуйруғи ғажиб ташланган. Бу мудҳиш ҳолни кўриб чўпоннинг тепа сочи тикка бўлди.

Эрталабдан дили хуфтон бўлган Мухтор ака нонушта қилишни ҳам эп топмади. Анчагача аллақандай хаёлларга ғарқ бўлиб қолди. Кейин бир қарорга келди чамаси, отини эгарлаб йўлга тушди.

Отлиқ тупроғи ўйнаган торгина йўлдан енгил чанг кўтариб жадал кетаяпти. Бу пайт қуёш найза бўйи кўтарилган, унинг сели атрофни қиздира бошлаган эди. Беш-олти қир ошган жийрон терга ботди. Аммо эгаси унга дам беришни хаёлига ҳам келтирмас, устма-уст қамчи босарди. Бир соатча йўл юргач, Мухтор ака Қорабошсойга етиб келди. Кўзлаган манзили ҳам шу ер эди. Чор атрофини баҳайбат тепаликлар қуршаб олган бу сойда «тоғ бургути» деб ном олган кекса чўпон, довруғи довон ошган машҳур овчи Мамат ота Усаров яшарди. Йигитнинг бу ёққа келишидан мақсад — овчини воқеадан бохабар қилиш эди.

Ҳўв, сойдаги бир дўнгликнинг устига қўндирилган тунука томли оппоқ уй ҳам кўриниб қолди. Мухтор ака отни елдириб кетди. У уйга яқинлашганда барзангидай бир ит ҳуриганича бу томонга отилди. Бу Мамат отанинг «Арслон»и эди. Ит отлиққа ҳамла қилиш пайига тушди. Йигит «кет, кет, Арслон!» деб ҳарчанд уринса ҳам бўлмади. Шу пайт уйнинг эшиги шарт очилди-ю, ичкаридан Мамат ота чиқиб қолди. У «ёт, Арслон» деганидан сўнггина тинчиди.

Мухтор ака отдан сакраб тушди-да, отахон билан қуюқ саломлашди.

— Қалай Мамат ота, бардаммисиз?

Бунга жавобнинг ҳожати йўқ эди. Бу киши олтмиш олти баҳорни кўрган бўлса ҳам қадди ғоз! Усиқ қора қошлари, кумушдай оқарган соқоли, ўзига ярашиб турган думолоқ юзида қон тепиб турибди.

— Келинг Мухторбой, қайси шамол учирди,— деди Мамат ота йўғон овоз билан, — ишлар дурустми?

— Иш чатоқ отахон. Бўрилар кун бермаяпти, икки кундан бери ҳунобимни ошириб юборди. Кеча битта қўзичоқни олиб кетган эди. Бугун икки қўйни чавақлаб кетибди, — йигит бир ютинди-да, ерга тикилди.

— Э-э, чакки бўлибди-ку, ука. Ҳа, отиб ташламадингми, йиртқични?

— Отардим-у, улгуролмай қолдим-да, Энди ўзингиз отиб берасиз-да, ўша бўриларни. Индамасак ҳар куни келадиёв, чамамда.

— Ҳа, албатта келади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дейишади-ку ахир. Кўрасан, эртагаям худди бугунги маҳалда келади. Майли, хафа бўлма, бўлар иш бўпти. Бўри лаънати шунақанги ярамас йиртқички, ўзи бир парча гўштга тўяди, лекин отарга оралагач, ўн-ўн бешига чанг солиб кетади. Хўш, бўрилар қайси томонга ғойиб бўлди?

— Қоторолма томонга...

— Бўпти, бўлмаса. Эртага ўзим йўлини пойлайман. Қани юр ичкарига, чой ичамиз.

— Йўқ, раҳмат, борай энди, қўйлардан кўнглим тинчимаяпти.

Мамат ота шу куни бироз мизғиб олди-да, тун ярмидан оққанида ўрнидан турди. Гугурт чақиб юпқа елвагай чопони ва ағдарма этигини топиб кийди. Кечқурун ўқлаб қўйган «қўшоғиз» милтиғини елкага илди. Ташқарига чиқиб, апил-тапил от эгарлади. Кекса чўпон чап оёғини узатгига илдириши ҳамоноқ навқирон йигитларникига мойил басавлат гавдасини эпчиллик билан эгар устига олди. Семизлигидан сағриси ялтираб турган қашқа жийрон бунақа бемаҳал юришга одатланиб қолган эмасми, қамчини кутмасданоқ тасирлаганича чопиб кетди. Рўпарадан эсаётган шамол эпкини елвагай чопоннинг икки барини учириб, ўз кетидан тортқилайди. Тўқ зангори гумбазда чароғон юлдузлар чамани ичра балқиб турган тўлин ой ёғдусида елиб кетаётган бу отлиқ қанот қоқаётган тоғ бургутини эслатарди.

Бешиктоғ, Қизилсойтоғда, Чотқол этакларида бу кекса овчининг оёғи етмаган қир, қия, жарлик қолмаган ҳисоб. Отахонга бу жойларнинг ҳар қаричи, ҳар тоши, ҳар ўнгири беш қўлдай аён бўлиб қолган. Йиртқичнинг қайси томондан келишию, қайси томонга қочишини у ёд билади. Шу боисдан Мамат ота Қатоpолмага етгач, эгардан сакраб тушиб, отни бир тепаликнинг этакроғидаги катта ўнгир томонга етаклади. У «бўри шу ўнгирнинг рўпарасидан ўтаров» деб тахмин қилган эди. Жийронни чўктириб, ўзи бир тошнинг пинжида писиб ётди.

Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтди. Ҳўв, олисдаги тоғ ўркачи орқасидан шафақ кўтарила бошлади. Кўз оқ-қорани равшан илғайдиган бўлиб қолди. Шу пайт овчининг сергак кўзлари қаршидаги қир тепасида мунчоқдай-мунчоқдай тўртта чўғни кўриб қолди. Чўғлар бу томонга илдам яқинлашарди. Мамат ота «ана келди, келгандаям бирамас, иков бўлиб келди» деб қўйди-да, яширроқ ўрнашиб олди. Бўрилар ўнгирдан йигирма-ўттиз қадам нарига етиб келгач, отахон чап кўзини қисиб ўнг кўзи билан уларни нишонга олди. Тўсатдан кетма-кетига икки ўқ узилди. Қулоқ қоматга келди. Тоғлардан акс-садо қайтди. Олдиндаги бўри ўқ узилган замони қулаб, тил тортмай ўлди. Орқадагиси оёғидан ўқ еди чамаси, мудҳиш овоз чиқариб уч-тўрт марта гир-гир айланди-да, чиқмаган жондан умид қилиб оқсоқлана-оқсоқлана чопиб кетди.

Мамат ота ирғиб отга минди-ю, бўрини қорама-қора қувиб кетди. Йўл-йўлакай бир узангининг қайишини ечиб қўлига олволди. Отлиқ нариги қияга ошиб тушгач оқсоқ бўрига етиб олди. Йиртқич бор кучини йиғиб, жон ҳолатда отга ирғиди. Мамат ота узангини ҳавода ўйнатиб калласига зарб билан урган эди, бўри ириллаганича ерга қулади. Ота жийрондан сакраб тушиб ўлжасига тикилди. Қаришган катта оғзида бесўнақай ўткир тишлар кўриниб ётибди. Ўзиям бўриларнинг энг каттаси — кўк ёллиси экан. Бунақаси жуда пихини ёрган муғомбир бўлади, унақа-бунақа овчига этак тутқизмайди. Шу боисдан ҳозир Мамат отанинг мағиз юзига севинч, виқор аломатлари югурди..

Чўққилари осмон зийини ўпиб турган салобатли тоғ орқасидан олтин баркашдай бўлиб қуёш кўтарилганида Мамат ота икки барваста бўрини эгарга ўнгариб, тақимига босиб Мухтор аканинг отари томон йўл олган эди. У ноҳор чоғи бўлган яккама-якка олишувда қаттиқ чарчади. Аммо унинг қип-қизил мағиздай юзида ҳорғинликдан асар ҳам кўринмайди. Жийронни йўрғалатиб бораркан эгар олдида узала тушиб ётган кулранг бўрилардан кўз узмасди у. Бир меёрдаги туёқ товуши Мамат отани беихтиёр хаёлга чўмдирди.

...Аср бошлари. Энди етти ёшга қадам қўйган Мамат отасидан етим қолди. У вақтларда камбағал учун бир бурда нон — анқонинг уруғи. Ёш боши билан Хотам давкарга чўпон бўлиб ёлланди. Бола қўйларнинг орқасида қий босиб юришни эмас, давкарнинг ўғиллари каби бошанг кийинишни, ошу-нонга зор бўлишни эмас, кўнгли тусаган таом ейишни, дўқ-пўписа эшитишни эмас, яйраб ўсишни орзу қиларди. Аммо... аммо иложи қанча!

Кимлар учун гаштли, кимлар учун машаққатли бўлган йиллар бир-бирини қувиб ўтиб борарди. Мамат оғир меҳнат оғушида ўсаверди. Ун беш ёшга тўлмасиданоқ тоғни урса талқон қиладиган йигитлар билан беллашадиган азамат бўлиб қолди. Бирдан-бир қизиққан нарсаси ов бўлди. Мерганларнинг кетидан қолмади. Бир овчига шогирд тушди. Каклик отди, ғоз отди, қуён отди... Ниҳоят биринчи йирик ўлжа: бўри! Оғиз қулоққа етди. Куруmсоқ давкар йиртқич эвазига чой-чақа бериш тугул, бир оғиз раҳмат ҳам демади. Шу бўлди-ю, Мамат бойдан куйган бошқа овчилар каби бундай хавфли овни тарк этди. Тунларнинг бирида давкарга қарашли бир отар қўйнинг барини бўри чавақлаб кетди. Ана қурумсоқлиг-у, ана оқибат...

Улуғ Ленин шаҳридан кўтарилган Октябрь қуёши Чотқол этакларига ҳам нур сочабошлагач, кўплар қатори Маматнинг жафокаш кўксига шамол тегди, турмуш юришиб кетди. Орзулар ушалабошлади. Мамат чўпон қизи Ҳанифага уйланди...

Колхоз тузуми айни қизиган кезлар. Бу пайтда Мамат ака аввалгидай текинхўрларнинг эмас, коллектив хўжаликнинг, демакки меҳнаткаш халқнинг қўйларини боқарди. У Бешиктоғ, Қизилсойтоғ, Шовоссойда «Мамат мерган» деб ном чиқарди. Кунларнинг бирида уни райижрокомга чақириб қолишди.

— Маматбой, довруғингиз довон ошганидан ғоят хурсандмиз, — деди ижроком раиси, — истагимиз шу эдики, ўзингиздақа мерганларни кўпайтирсангиз. Бўрилар қўй уёқда қолиб, одамга ҳам ҳамла қиляпти. Тунов куни йиртқич бир уйга кириб, бешикда ётган чақалоқни олиб кетибди.

Бу мудҳиш хабарни эшитиш овчи учун ўлим билан баравар эди. Шу топда Мамат аканинг қони томирига сиғмай кетди.

Тоққа қайтиб келгач, пилта милтиғини олиб, овга жўнади. Бу милтиқда отиш анча машаққат эди. Милтиқ айри ёғочга ўрнаштирилар, оғзидан ўқланар, кейин пилта ёқиб отиларди. «Мамат мерган»га бу ўнғайсизлик чўт эмас эди, бирор ўқи хато кетмасди. Орадан икки кун ўтгач, уч бўрини овлаб яна районга тушди. Ижроком раиси севинганидан мерганни қучоқлаб ўпти. Кейин Мамат акани отга миндириб икки қўлига икки бўрини ушлатди, бирини эгарга ўнгартирди-да, шу ҳолатда унинг расмини олдирди. Кўп ўтмай ўша расм газетада чиқди...

Йиллар ўтгани сайин Мамат аканинг шогирдлари кўпаяборди. Уч ўғли ҳам бўри овлашда довруғ қозонди. Ҳукумат овчиларга саҳийлик қўлини чўзди: ўлдирилган битта бўри эвазига олти юз сўм пул мукофоти тайинланди. Колхозлар эса бунинг устига битта қўй ҳам қўшиб берадиган бўлишди. Мамат акалар оиласи ўшандан буён ҳар йили камида йигирма-йигирма бешта бўри отади.

Мана, олти йилдирки, Мамат ота-пенсионер. Тўнғич ўғли Абдулла ака ҳам, ўртанчаси Ҳасанбой ҳам, кенжаси Турмон ҳам ота касбида: чўпон. Улар Оҳангарондаги «Хонобод» бўрдоқичилик базасининг қорамоллари, қўйларини боқишади. Ҳар йили ориқлигидан қовурғаси саналадиган икки-уч минг қўй, икки-уч юз қорамол уларнинг қўлидан бўрдоқи бўлиб, сўқим бўлиб чиқади. Мамат ота «мен пенсионерман» деб қўл қовуштириб ўтирмайди, ўғилларига кўмаклашади, ҳали ҳам бўри овлашини қўймайди. Унинг ҳаётдан кўнгли тўқ: қўлига жарак-жарак пул тушиб турибди, ейй деса егулуги, кийй деса кийгулиги етарли. Чол-кампир ували-жували бўлишган.

... Итининг вовуллаши Мамат отанинг хаёлини қочириб юборди. У хаёлга ғарқ бўлиб манзилга етиб келганини ҳам фаҳмламай қолибди. Мухтор ака отанинг истиқболига пешвоз чиқди. Отлиққа қўл чўзиб қуюқ саломлашгач, бўриларни ерга туширди.

— У қурғир-эй, бунча оғир. Ўзиям ҳўкиздай-ҳўкиздай, экан-а. Бир кунда иккаласини ҳам ер тишлатибсизда, қойил-е Мамат ота. Аммо лекин мерганлигингизга тан бераман. Юрагингиз ҳам дов-да, дов! Отамдан бир овчининг таърифини эшитувдим. Бир қуён оёғи билан қулоғини қашиб турган экан, битта ўқ билан ҳам қулоғини, ҳам оёғини урибди. Ўша мерган ҳам сизнинг олдингизда ип эшолмаса керак.

— Ўҳу лоф ҳам эви билан-да. Мухторбой, — деди Мамат ота отдан тушаркан.

— Ҳа майли, лоф ҳам бўлсин, ишқилиб менинг бошимни осмонга етказдингиз. Кам бўлманг отахон, умрингиздан барака топинг. Қани, бу ёққа. Самовар шақиллаб қайнаб ётибди, аччиқ кўк чой дамлаб бераман...

Шуҳрат ШОРАҲМЕДОВ.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Октябрь райони Сирдарё областидаги Киров ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларини ўз оталиғига олган.

Оталиқдаги хўжаликларда ғўза парвариши қандай боряпти, уларга қандай ёрдам зарур. Ана шуни билиш мақсадида Октябрь районининг вакиллари, жумладан район партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобожонова ва район ижроия комитетининг раиси С. Норқўзиев ва бошқа ўртоқлар яқинда бошқарманинг хўжаликларида бўлдилар.

Мана, бошқармадаги «Қозоғистон ССР 40 йиллиги» колхозининг пахтазорлари. Тер тўкиб меҳнат қилаётганликлари кўриниб турибди азаматларнинг. Ҳар туп ғўзада 6—7 тадан кўсак бор. 1405 гектар ердан 3400 тонна ҳосил етиштириш учун курашаётган фидокорлар шу кунларда ҳам ғўза парваришини давом эттирмоқдалар. Деярлик 40 процент майдон машина теримига ажратилган.

Бошқармадаги бошқа колхоз ва совхозларда ҳам аҳвол ёмон эмас. Бироқ шуни айтиш кераккки, бу ерда қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга созлашда анча қийинчилик туғилмоқда. Баъзи хўжаликларда ремонтчи мутахассислар етишмайди. Ана шуни ҳисобга олиб, Октябрь районидан Киров ишлаб чиқариш бошқармасига слесарлар, токарлар, ремонтчи усталардан иборат бир группа мутахассисларни юборишга қарор қилинди. Уларнинг қайси колхоз ва совхозларга юборилиши ҳам келишиб олинди.

Ҳозир район корхоналаридан ана шундай мутахассислар ихтиёрий равишда танлаб олинмоқда. Улар эртаиндин Сирдарёга жўнаб кетишади ва ремонт ишларида қатнашиб, техникани мавсумга созлашда ёрдам беришади, бошқарма бўйича 95 минг тонна пахта етиштириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишади. М. МИРЗАЕВ

ҲОСИЛ ПОСБОНЛАРИ

Биз бригадамиздаги сувчиларни худди ана шундай деб атаймиз. Бу — бежиз эмас. Негаки, ҳозирги пайтда сувчининг ҳосил тақдирини ҳал қилишдаги роли янада ошди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатида ҳам сувчининг ҳозирги меҳнатига жуда юксак баҳо берилган. Дарҳақиқат, ҳосилнинг тақдири эндиликда сувчи билан механизаторнинг меҳнатига боғлиқ.

Халқимиз: «Сув бор ерда ҳаёт бор. Ер—хазина, сув гавҳар» дейди. Шунинг учун ҳам бригадамизда сувни бениҳоя қадрлаб, унинг ҳар томчисидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, ер тўйса эл тўяди. Бунга ҳосилни кўпайтириш йўлида барча имкониятлардан унумли фойдаланиш туфайлигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз сув билан ғўзаларимизга шарбат оқизяпмиз.

Бригадамизда Тоҳир Абдулқосимов билан Абдулла Қаюмовни ҳамма ҳурмат қилади. Улар чинакамига ҳосил посбонлари ҳисобланади. Бу азаматлар бригадамизнинг барча ғўзаларини доим кўздан кечириб юрадилар. Ғўзанинг чанқаган ёки чанқамаганлигини олдиндан сезадилар ва ҳеч ҳаялламай керакли миқдорда сув тарайдилар. Миришкор сувчиларимиз ғўза чанқаб қолганида ҳосил тугунчаларини кўплаб тўкиб юборишини, бостириб суғорилганида эса ҳосил тўплаш жараёнининг сусайишини, кўсакларнинг пишиши кечикишини жуда яхши тушунадилар. Ана шунинг учун ҳам улар ўзлари намунали ишлашлари билан бирга бошқаларга ҳам қимматли маслаҳатлар бериб турадилар.

Бу йил мамлакат омборига 35 центнердан ҳосил тўкиш мажбуриятини олганмиз. 94 гектар ердаги ғўзамиз барқ уриб ривожланмоқда. Ҳосил тўплаши чакки эмас. Ҳозирнинг ўзида ҳар тупида тўрт-бештадан етилган кўсак санаш мумкин. Мурожаат бизни янги марраларга руҳлантирди. Ғайратимизни сира бўшаштирмаймиз. Парвариш ҳосил етилгунга қадар давом этади.

Истат ХЎЖАЕВА,
Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ЭЖЕН ДЕЛАКРУА

Бугун машҳур рассом, француз романтизмининг энг йирик вакилларидан бири Эжен Делакруа вафотига 100 йил тўлди.

Эжен Делакруанинг болалик ва ёшлик йиллари Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида ўтади. Ҳар томонлама яхши маълумотга эга бўлган Делакруа ёшлигиданоқ расм чизишга катта ҳавас қўяди. У Париждаги нафис санъат мактабида рассом П. Герендан рассомчилик асосларини ўрганади. Ўқувчилик даврида у ўша замонда кўзга кўринган прогрессив француз рассоми Т. Шерико билан дўстлашади.

Делакруанинг дастлабки асарлариданёқ прогрессив ғоялар ўз аксини топабошлади. 1822 йилда яратилган «Данте ва Вергилий» картинаси билан моҳир санъаткор ўша даврда ҳукмрон бўлган академик санъат услубига қарши ўлароқ рассомчиликка ўзига хос янгилик киритди.

Эжен Делакруа ижодида тарихий темаларда ёзилган картиналар асосий ўрин эгаллайди. Бу санъат асарлари тарихий воқеаларнинг тўғри талқин этилиши, ёрқин романтик кўринишлари билан ҳамда кучли ирода, катта ҳис-туйғуларга эга бўлган кишиларнинг жонли образларини гавдалантирувчи коёб бўёқлари билан академик услубда чизилган асарлардан ажралиб туради.

«Пуатье ёнидаги жанг» (1830 йил), «Нанси ёнидаги жанг» ва айниқса «Тайбур ёнидаги жанг» (1837 йил) асарларида шиддатли кураш манзаралари зўр маҳорат билан ишонарли қилиб тасвирланган. Бу картиналарда асосий қаҳрамонлар билан биргаликда оддий халқ вакиллари ҳам акс эттирилган. «Салбчилар томонидан Константинополнинг олиниши» (1840 йил) асарида эса босқинчиларнинг шафқатсизлиги, улар томонидан халқни талон-торож қилиниши ҳаққоний равишда кўрсатиб берилган.

Грек халқининг озодлик учун мардонавор кураши ўша замон илғор ғоявий санъаткорлари ва адибларининг ижодларида катта ўрин олган. Эжен Делакруа ҳам ана шу темага мурожаат қилиб, «Миссолунги харобаларидаги Греция», «Хиосдаги қонли тўқнашув» картиналарини яратди. Бу асарларда грек ватанпарварларининг жасорати, чеккан азоб-уқубатлари зўр санъаткорона ифодалаб берилган.

Делакруани бутун дунёга машҳур қилган асари унинг «Озодлик баррикадаларида» картинасидир. Бу нафис санъат полотносида 1830 йил француз революцияси кунларидаги баррикада кураши тасвирланган.

...Бир қўлида қурол, бир қўлида байроқ кўтарган ёш аёл — Озодлик символи баррикада устига дадил кўтарилмоқда. У халқни курашга даъват этади. Унинг атрофида ишчилар, студентлар... Булар орасида қўлида пистолет ушлаган ёш бола турибди. Уларнинг қиёфаларида, хатти-ҳаракатларида қатъиятқорлик, жасорат жўш уриб турибди. Озодлик учун курашда ҳар қандай қурбонлардан ҳам қўрқмайди улар. Картина француз миллий тасвирий санъатида муҳим ўрин эгаллайди. Озодлик йўлида курашчи сифатида тасвирланган ёш аёл образи эса француз революциясининг символига айланди. Бу нафис санъат асарига ўша даврдаёқ атоқли немис шоири Генрих Гейне юксак баҳо берди.

Делакруа 1830 йилларда Шимолий Африкага саёҳат қилиб, у ерда олган таассуротлари асосида «Жазоир аёллари», «Марокашда шер овлаш» каби бир қатор полотнолар яратди.

Эжен Делакруанинг асарлари ҳозирги кунимиздаги юксак дидли санъат ишқибозларининг қалбидан ҳам чуқур жой олган. Улар тасвирий санъатнинг нодир намуналари сифатида қадрланиб сақланмоқда.

Суратда: Э. Делакруа.

СИЗГА, МЕҲНАТ АҲЛИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнида озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи икки қаватли янги магазин биноси фойдаланишга топширилди.

М. СУЛТОНОВ.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозида озиқ-овқат магазини, ковбойхона, чойхона, медпункт бинолари қурилиши тугалланди.

У. КАРИМОВ.

Охангарон темирйўл станциясида яқиндагина қад кўтарган озиқ-овқат магазини аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади.

А. МАРАИМОВ.

Шаҳримизнинг Октябрь район «Пахта» маҳалласида яқинда ишга туширилган озиқ-овқат магазини аҳоли учун анча қулайлик туғдирмоқда.

А. ШОКИРОВ.

ОВЧИЛАРГА МАСЛАҲАТ

АВГУСТ—СЕНТЯБРЬ

Бу йилги август ойи 1954 ва 1958 йиллардагидек совуқ келди. Икки кун давомида куз ёмғиридек майда ёмғир ёғди. Ҳарорат ҳам пасайди.

Кўк қарға, жарқалдирғоч, қарқуноқ, жиблажибон, заргалдоқ, булбуллар учиб кетадиган вақт ҳам етиб келди. Чуғурчуқлар эса катта тўдаларга йиғилишиб йўл ғамига тушишган. Шимол томондаги ёввойи ўрдак ва ғозлар болаларини кўлдан кўлга учириб узоқ сафарга учиш учун машқ қилдираяпти. Сентябрь ойидан бошлаб улар дарё ва кўлларимизга, сув ҳавзаларимизга учиб келишади. Лайлаклар иссиқ мамлакатлар Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон томон отланишаяпти. Турналарнинг ҳазин хайрлашув товушларини эшитишимизга оз қолди.

Ўзбекистон табиатига хос бўлган беҳи, анор, ёввойи дўлана, тоғ олча, наъматак ва жийдалар пишай деб қолди. Гултожихўроз, хризонтемалар гуллайбошлади. Бақатеракларнинг пастидаги япроқлари худди қора сочга олинмасдан оқ оралаганидек куз белгисини бериб сарғаябошлади.

Сентябрь ойида куз ва қиш овининг мавсуми бошланади.

Овингиз бедана, буғалдоқ, саржа, тувалоқ каби дашт паррандалари ва қуёндан бошланса, сал ўтмай дарё ва кўл бўйларида ўрдак ҳамда ғозларнинг саҳарги учишларини кузатасиз. Ундан сўнг тоғ ови бошланади.

Ов дашт паррандаларидан бошланиши муносабати билан шулар устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бедана. Агар саҳар пайтида бедапоя, тариқ ва кузги полиз, экинлар атрофидаги ўтлар, айниқса лух ўсган жойларни айлансангиз беданаларнинг завқли сайрашидан кўнглингиз ёзилади. Шу билан бирга сиз уларнинг қаерда кўп бўлишини ҳам билиб оласиз. Агар овчи итингиз бўлса овингиз доимо ўнг келади. Чунки бедана итни ўзига яқин йўлатаберади. Семизлигидан учишни кўп хуш кўрмайди, учса ҳам тўғри ва секин учади. Отиш ҳам жуда осон. Агар итингиз бўлмаса ҳамроҳингиз билан шнур ёки қалин капрон ип олиб бир-бирингизнинг белингизга боғлаб ўтнинг устидан судраб кетасиз-да, ўша ердаги писиб ётган беданаларни учишга мажбур қиласиз. Шнурнинг узунлиги тахминан 30—40 метр бўлиб, ўрталарига қўнғироқ ёки тош осилса яхши бўлади.

Безгалдоқ — дашт ерлардаги чалавзорликларда кўп бўлади. У бедананинг акси бўлиб тез ва чаққон учади. Кун иссиғида ов қилсангизгина иссиқдан дармони қуриганлигидан итни яқинига йўлатади.

Еттисой тарафидаги қўриқ ер ва ўрилган буғдойзорларга борсангиз безгалдоқ, тувадоқ, булдуруқ ови қиласиз.

Қуён. Тошкент атрофида қуён ови қилиш ҳақида то қор ёғмагунча гапиришнинг фойдаси йўқ. Қорда эса уларнинг изидан топиш осон.

Дарё ва кўлларимизда ҳарорат пасайгани учун иссиқ пайтларда ҳориган балиқларнинг иштаҳаси ҳам очилди. Энди пўкагингиз тез-тез қимирлаб туради. Балиқ билан саватингизни тезроқ тўлдириш имконияти туғилди.

Қайси паррандага нечанчи числодан ов бошланишини овга бориш олдидан овчилар жамиятидан билиб олинг.

Ғ. ЖУРАЕВ,
овчи.

ҚОР ОДАМ КЎРИНДИ...

Канададаги Гаррисон шаҳри аҳолиси сирли саскавачни учратганликларини айтиб юрибдилар. Йўл ишчиси Дени Чапмен хотини ва икки боласи билан Руби Крик деган жойдаги кичкина уйда яшарди.

Бир кун, деб ёзади Канада матбуоти, Чапменнинг хотини одамсимон мавжудотни кўриб қолди. Унинг бўйи 2,5 метрдан ортиқроқ бўлиб, катта оёқларини секин-аста босиб юриб келарди.

Чўчиб кетган она болаларини олиб эрининг олдига югуриб кетди. Дени қуролини олиб айиқни учратиш ниятида уйига қараб жўнади. Тўғри, у изни учратди, лекин бу из айиқ изи эмас эди. Из ерга беш сантиметрдан кўпроқ ботиб кетган, узунлиги 40 сантиметр, кенглиги 20 сантиметр келарди. Ҳар бир изнинг ораси 1 метрдан ортиқ эди. Излар тоғ тошлари орасида йўқ бўлиб кетган эди.

Чапменнинг уйига АҚШдаги машҳур детектив Джо Дан келди. У изларни ўлчаб кўрди ва бу излар ҳеч қандай ҳайвонники эмаслигини аниқлади. Уларни Канада журналисти Джон Грин ҳам кўрди. Журналист оёқнинг аниқ нусхасини суратга олишга муваффақ бўлди.

Ҳукмдорлар саскавачни ким тутиб келса унга беш минг доллар мукофот беражаклари ҳақида эълон қилишди.

А. ПОЛЕХИН
(«Неделя»дан)

Тошкент шаҳридаги Б. Хмельницкий кўчасида лойиҳалаш институти учун янги бино қуриб битказилди. Суратда: институт биноси.

С. Икромов ва Б. Гадойбоев фотоси.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

„МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИГА ЁРДАМ"

Журналнинг навбатдаги 4-сони босмадан чиқди. У «Жамоатчи активлар сафини ўстирайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

Бу сонда «Матбуот ва радио ишида жамоатчилик асосларини ҳар тарафлама ривожлантирайлик» рубрикаси остида В. Киселёвнинг «Штатсиз бўлимнинг ташкилотчилиги», Р. Акромовнинг «Жамоатчиларнинг овози эфирда жаранглaмоқда», А. Танхельсоннинг «Авторлар советн иш устида», В. Пушкарёвнинг «Журналистика факультети — яхши ташаббус», Ф. Нуруллаевнинг «Мутахассис ва механизаторларга таяниб», М. Наврўзовнинг «Авторларга сезгир ва талабчан бўлайлик», Н. Коммунарскаянинг «Матбуот активлари хатларни текширмоқда» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Журналнинг «Тажриба, ташаббус» бўлимида Ш. Булатовнинг «Марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилида нашр этилиши», М. Гойхманнинг «Агитатор блокноти» диний идеологияни фош этмоқда», В. Акимовнинг «Жанговар варақа чиқа бошлади» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин. «Бизнинг ўртоқларимиз» рубрикаси остида Ҳамид Нурийнинг «Сафда ўттиз йил» сарлавҳали мақоласи ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.

Булардан ташқари, журналнинг «Мухбир минбари», «Ўзбекистон матбуоти 3.566 минг тонна «оқ олтин» учун курашда», «Матбуот обзори», «Хабарлар» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар берилган.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ. 1963 ЙИЛ ИЮНЬ. ПАРТИЯ ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА. 30-бет. тиражи. 30.000. баҳоси 4 тийин.

М. В. МУҲАММАДЖОНОВ. Мўл пахта ҳосили олиш ва уни барвақт етиштиришнинг агробиологик асослари, 56 бет, тиражи 5.000, баҳоси 10 тийин.

Н. М. МИХАЙЛОВСКИЙ. Ремонт хлопкоуборочной машины ХВС—1,2. 112-бет, тиражи 2.000, баҳоси 18 тийин.

Тошкент «Ёш гвардия» нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

АКА-УКА ГРИММЛАР. Бўрон кампир, Эртаклар. 76 бет, тиражи 30.000, баҳоси 10 тийин.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДАН. Чироғдон кўтарган мушук. 72 бет, тиражи 50.000, баҳоси 11 тийин.

ОЛИМ ҚЎЧҚОРБЕКОВ. Чори чамбар. Кичик ёшдаги болалар учун. 10 бет, тиражи 30.000, баҳоси 2 тийин.

ТЎЛҚИН ИЛҲОМОВ. Пахтаой. Кичик ёшдаги болалар учун. 16 бет, тиражи 60.000, баҳоси 4 тийин.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

НАТИЖАЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

„Масъулиятсизлик"

1-«Оҳангарон» совхозининг 1—2-бўлимларида ғўза, маккажўхори ва бошқа сабзавот экинлари парвариши жуда ёмон аҳволда экани газетамизнинг 10 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқид қилинган эди.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Ортиқхўжаевнинг редакцияга хабар қилишича, газетада кўрсатилган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар кўрилган. А. Тожибоев, М. Мирсолиевлар бригадасидаги ғўзаларга 3 мартадан ишлов берилиб қондириб суғорилган. Мўмин Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари сабзавот экинларини парвариш қилиш ҳамда давлатга сотиш ишларини жадаллаштириб юборганлар. Бригада карам сотиш планини ошириб бажарган. Сабзавот маҳсулотлари топшириш давом этмоқда.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚҚАЧА

Ҳадемай янги ўқув йили ҳам бошланади. Ўғил - қизларимизнинг қувноқ овози яна мактаб қўнғироғига жўр бўлади. Улар учун барча шароит шай қилиб қўйилмоқда.

1 сентябргача пойтахтимизда яна 10 та янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади. Буларнинг ҳар бири 960 ўқувчига мўлжалланган кўп қаватли бинолардир. Уларда ўқув корпусларидан ташқари махсус спорт зали, ошхона, буфетлар ҳам бўлади. Ленин районидаги Сарикульск, Куйбишев районининг Новомосковская кўчаларида ҳамда Чилонзор, Оқтепа массивларида қад кўтараётган мактаб бинолари шулар жумласидандир.

Янги ўқув йилигача ҳар бири 1200 ўқувчига мўлжалланган уч қаватли иккита мактаб-интернат ҳам ишга туширилади.

ҲАММА МИННАТДОР

Катта йўлдан ўрта бўйли, қорачадан келган бир йигит тез-тез юриб келарди. У шифохона дарвозасига яқинлашиб бироз тўхтади-да, қаршисидан келаётган, ёши ўтинқираб қолган кишилар билан саломлашиб ўтиб кетди.

Бу кишилардан бири ўз ҳамроҳларига:

— Барака топкур, хўп дилкаш йигит экан-да, ўзи ҳам ҳарбир дардга даво топаяпти,— деди.

Мана шу расмда жиддий, синовчан кўзлари билан қараб турган йигит ўша врач Ҳаким Алимовдир. Ўртоқ Алимов бундан 13 йил муқаддам Тошкентдаги медицина институтига ўқишга кирди. 1954 йили уни муваффақиятли битирди. Севимли касб соҳасида меҳнат қилиш иштиёқи билан тўлиб-тошган бу йигит комсомол йўлланмаси билан 1954 йилда Шаҳрисабз райони шифохонасига бош врач бўлиб ишга келди.

Шифохонага келган беморларнинг ҳол-аҳволидан доим кўз-қулоқ бўлиб турди. Унинг қўлида даволаниб соғайиб кетганларнинг сон-саноғи йўқ. У ҳозир Юқори Чирчиқ райони, Янгибозор қишлоғига қарашли шифохонанинг бош хирурги бўлиб ишлаяпти.

Биз шу камтарин врачнинг иши билан танишиш мақсадида яқинда у ишлаётган шифохонада бўлдик. Ўртоқ Алимов биз билан суҳбатлашар экан, негадир шошилиб турарди. Охири бўлмади.

— Кечирасиз, мени бироз кутиб турасизлар-да. Ҳозиргина колхозчи Осип Иваннинг оғир ярalangани тўғрисида хабар қилишган эди. Унга дарҳол тез ёрдам кўрсатиш керак,— деди у илтимос оҳангида.

Хирург «тез ёрдам» машинасига ўтириб беморнинг уйига кетди...

Бизга беморларнинг ўзлари врач ҳақида кўп нарсани гапириб беришди. Унинг қайноқ қалб эгаси эканлиги бу мақтовлардан билиниб турарди. Ҳалол меҳнат кишини элга танитади. Бу камтарин ва [illegible] врачдан ҳамма миннатдор.

М. ФАЙЗИЕВ.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Неру ҳукумат бошлиғи лавозимида қолади

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳукмрон партия — Ҳиндистон миллий конгресси иш комитетининг Деҳлида мажлиси бўлди. Комитетнинг мажлисида Ж. Неру партияда ташкилий ишлар билан шуғуллана олиши учун бош министр лавозимидан истеъфо бериши ҳақидаги таклифни ўртага қўйди. Аммо комитет Неру ҳукумат бошлиғи ва партиянинг раҳбари лавозимида қолиши керак, деб якдиллик билан қарор қабул қилди.

Ж. Неру иш комитетининг мажлисида сўзлаган нутқида Ҳиндистонда реакцион кучлар бош кўтармоқдалар, деб огоҳлантирди. Муайян доиралар, деди у, нацистларнинг методларини эслатадиган тактикани қўлланмоқдалар. Ж. Неру сўзининг охирида блокларга қўшилмаслик сиёсатини яна ҳимоя қилди.

КАПИТАЛИЗМ ИСКАНЖАСИДА

ИСПАНИЯ

Астурияда аҳвол кескинлашиб бормоқда. Франкочи маъмурлардан иш ҳақининг оширилишини ва касаба союз эркинликларининг тикланишини талаб қилаётган яна 15.000 шахтёр забастовка эълон қилди. Франкочилар ҳукумати забастовкачиларга қарши қатъий ҳаракат қила бошлади. Кейинги икки кунда Астурияда 13 корхона, беш шахта ёпилди, минглаб шахтёрлар ишсиз қолди. Юзлаб ишчилар қамоққа олинди.

ФРАНЦИЯ

Умуммеҳнат конфедерацияси бюроси баёнот эълон қилиб, Франция савдо флоти денгизчиларини мамлакатнинг ҳамма портларидаги кўп кунлик забастовка давомида эришган катта муваффақиятлари билан табриклади. «Кема эгаларининг ва маъмурларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, ягона сафда туриб, ўзларининг кучли ҳаракатлари билан денгизчилар иш ҳақининг оширилишига, шунингдек ўзларининг энг зарур талабларининг анча қисмини ташкил этадиган бошқа тадбирлар кўрилишига, шу жумладан, ўзларининг меҳнат шароити ва иш ҳақига доир асосий проблемалар юзасидан музокаралар бошлаш мажбуриятини олинишига эришдилар» — дейилади баёнотда.

ГРЕЦИЯ

Греция бинокорлари узоқ вақт қаттиқ забастовка кураши олиб бориб, маъмурларни ва корхона эгаларини ён беришга мажбур этдилар. Кейинги вақтда Греция бинокорлари ўз иш ҳақларининг камайтирилганига қарши норозилик билдириб, бир қанча умумий забастовкалар ўтказдилар. Забастовка курашининг тазйиқи остида маъмурлар бинокорларнинг аввалги иш ҳақини тиклаш тўғрисида қонун лойиҳасини парламентга киритдилар. Парламентда кўпчиликка эга бўлган миллий радикал иттифоқ ўнг партиясининг депутатлари бу қонун лойиҳасининг қабул этилишига тўсқинлик қилишга уриндилар. Аммо бинокорларнинг янги умум Греция забастовкаси хавфи остида парламент қонун лойиҳасини маъқуллашга мажбур бўлди.

АНГЛИЯ

11 августда Англияда музей ва галереяларнинг эшиклари яна очиб қўйилади. Иш ҳақи оширилишини талаб қилган хизматчиларнинг забастовкаси натижасида бу муассасалар бундан олдинги уч якшанба куни ёпиқ бўлган эди. Хизматчилар ўз талабларининг арбитраж комиссияга топширилишига эришдилар. (ТАСС).

Д. Раскнинг Бонндаги музокаралари тугади

БОНН, 12 август. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Д. Раск Боннга қилинган қисқа муддатли визитни тамомлаб, кеча Вашингтонга учиб кетди. Боннда у Ғарбий Германия ҳукуматининг раҳбарлари — канцлер Аденауэр, вице-канцлер Эрхард ва ташқи ишлар министри Шрейдер билан музокаралар олиб борди.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин ҳукуматнинг расмий вакили, музокаралар натижасида «шундай йўл топилдики, бу йўл ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномага қўшилиш масаласида Федератив республиканинг ижобий позицияни эгаллашига имкон беради» деди.

Сўнгра ҳукуматнинг расмий вакили айтдики, канцлер Аденауэр АҚШ давлат секретари билан суҳбатда Москва Шартномасининг «ҳақиқий мазмунини» табриклади, лекин шу билан бирга Германия Федератив Республикасининг Шартномага қўшилиши учун «процедура мушкулликлари» борлигини айтиб берди. Раск эса Шартномани тузиш масаласида музокаралар қандай борганлиги ҳақида Ғарбий Германия ҳукуматининг раҳбарларига ахборот берди ҳамда ўзининг Америка сенатида Шартномани асослаб гапирмоқчи бўлган нутқининг мазмунини айтиб ўтди.

Ҳукумат вакили яна шуни ҳам айтдики, Германия Федератив Республикасининг раҳбарлари кескинликни юмшатиш соҳасида Шарқ билан Ғарб ўртасидаги музокараларга нисбатан Ғарбий Германиянинг таклифларини Раск билан суҳбатда айтиб бердилар. Бунда гап кейинги кунларда Боннда ишлаб чиқилган план тўғрисида бораётир. Ғарбий Германия матбуотида босилган хабарлардан маълум бўлишича, халқаро кескинликни юмшатиш имкониятларига сира йўл қўймаслик мақсади шу планга асос қилиб олинган.

Д. Раск АҚШга қайтиб келди

ВАШИНГТОН, 12 август. (ТАСС). Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани Москвада Америка ҳукумати номидан имзолаган АҚШ давлат секретари Дин Раск кеча Вашингтонга қайтиб келди. Раск аэропортда мухбирларга, Совет Иттифоқига қилган сафарим мароқли бўлди, деб айтди. «Бизнинг сафаримиз,— деди давлат секретари,— жуда арзийдиган сафар бўлди». Раск совет халқи ва расмий шахслар мени ва ҳамроҳларимни «жуда самимият билан кутиб олдилар» деди.

Редактор ўринбосари
И. СУЛАЙМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.30 — **Аҳмад танбал** («Эртак кетидан эртак» циклидан). 18.25 — **Стадионда учрашамиз** номли бадиий фильм. 19.45 — **Телевизион янгиликлар,** 20.05 — **Коммунистик меҳнат кишилари.**

20.20 — **Эртаси куни программаси,** 20.25 — **Реклама ва эълонлар.**

Рус тилида: 20.35 — **Икки дунё чегарасида** (ҳужжатли фильм), 20.55 — **Телевизион янгиликлар,** 21.15 — **Европа 1939 йилда** (ҳужжатли фильм), 21.45 — **Яширин жаннат** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

20.30 дан — **Тошкент телестудияси эшиттиришлари** (рус тилида).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)— 14/VIII да **Алпомиш.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Рус мўъжизаси (2-серия)— «ВАТАН», «МИР», НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «ВОСТОК» (катта залда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Рус мўъжизаси (1 ва 2-серия)— «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Эртанги ташвиш — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Очилган қўриқ — «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун).

Катталар ва болалар (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), **Том** (кундуз ва кечқурун)— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 ва 10-45 минутда)

Рус мўъжизаси (1-серия)— «РАКЕТА», «ШАРҚ».

Рус мўъжизаси (1 ва 2-серия)— «ВАТАН».

Эртанги ташвиш — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, НАВОИЙ номли.

„Шарқ" мебель фабрикасига

ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи, бош механик, ёғочсозлик ишининг технолог инженерлари, механиклар, дурадгорлар

керак

Тошкент шаҳар, Магазин мавзу кўчаси, 254-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 4-10-74 (10-трамвайда борилади).

Ҳамза номли театрга

саҳна ишчилари, театр билетлари тарқатувчи вакиллар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

„Узгипросельстрой" институтига

Тошкентда, шунингдек Термиз, Қарши, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Нукус шаҳарларидаги филиалларида ишлаш учун:

лойиҳа тузувчи инженерлар, қурувчилар, архитекторлар, сантехникачилар, теплотехниклар

керак

Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 97-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Лабзак кўчаси, Больничний проезд, 53-уйда турувчи **Собир Зоирович Абдураҳимов**нинг шу уйда турувчи Любовь Назаровна Гончаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Шомаҳмудов кўчаси, 3-тупик, 6-уйда турувчи **Хайриддин Зайниддинов**нинг Олмазор кўчаси, Колючий тупик, 2-уйда турувчи Ёқутхон Зайниддинова (Набихонова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

М-Госпитальная кўчаси, 85-уйда турувчи **Михаил Григорьевич Богатирёв**нинг Туркистон кўчаси, 24-уйда турувчи Марьяся Ханановна Богатирёвадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Собир Раҳимов кўчаси, Муваффақият проезд, 49-уйда турувчи **Абдулаҳад Мухторов**нинг Гоголь кўчаси, 1-тупик, 5-уйда турувчи Муътабар Мухторова (Зайниддинова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 11038. Индекс 64695. Нашр. № 1656.